

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ
АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 25 августдаги 355-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Б.Каримов,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён” кафедраси мудири, филология фанлари доктори

Такризчилар:

Л.Тошмухамедова,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Услугият ва таҳрир” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

У.Жўрақулов,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Ўқув -услугий мажмуа ТошДЎТАУ Кенгашининг 2016 йил _____ даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	18
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ.....	46
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	69
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	71
VII. ГЛОССАРИЙ.....	72
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	80

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш учун замин яратди. Замонавий талаблар инobatга олинган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан МДХ давлатларида биринчи бўлиб Республикамиз таълим соҳасида қатъий ислохотлар амалга оширила бошланди. Айниқса, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”нинг амалга киритилиши янги босқични бошлаб берди. Республика Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли фармонида: “Хар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади”¹, деб ёзилган мулоҳазалар ўзбек филологияси соҳаси учун муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бугун республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштириш муҳим саналади. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши катта аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

“Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари” фани миллий кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида тингловчиларни адабиётшуносликнинг энг муҳим тамойиллари, дунё адабиётшунослигидаги етакчи методлар билан таништиришни мақсад қилиб қўяди.

Замонавий адабиётшуносликдаги энг муҳим илмий-назарий масалалар, мустақиллик даври адабиётшунослигидаги ўзига хос янгиланишлар мазкур фанни кун тартибига келтириб қўяди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш

¹“Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 14 май.

курси тингловчиларини адабиётшуносликнинг энг муҳим методологик асослари, бадий асарга ёндашув усулларига доир билимларини кенгайтириш, шунингдек, ушбу фан доирасида уларнинг кўникма ва малакаларини оширишдан иборатдир.

Модулнинг вазифалари:

- адабиётшуносликнинг филологик таълимдаги ўрни ва айрим муаммоларини талқин қилиш;
- илмий-адабий тафаккурдаги янгиланишларни таҳлил этиш;
- тингловчиларда энг зарурий илмий методларни амалда қўллаш;
- адабиётшунослик методларини аниқ бир бадий асар талқинига татбиқ этишга ўргатиш;
- янги давр адабиётшунослиги олида турган энг долзарб масалаларни муҳокама қилишга ўргатиш;
- тингловчиларда адабий-илмий баҳс-мунозара маданиятни шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ҳозирги замонда фаннинг образи, фан тараққиётининг асосий босқичлари ва функциялари, фан тараққиётига оид ёндашувларни билиши;
- тингловчи муаллифга тегишли методлар тамойиллари;
- бадий асар шаклига доир методларнинг асосчилари;
- дунё адабиётшунослигидаги энг самарали методларнинг индивидуал хусусиятлари;
- замонавий ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигидаги янгиланиш жараёнлари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- илмий тадқиқотнинг асосий типлари, илмий тадқиқотнинг намоён бўлиш шакллари билиши;
- бугунги адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари курсини назарий ва амалий соҳаларда эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- адабиётшуносликдаги методларнинг тарихи, асос ва асосчилари, бадий асарларга ёндашув усуллари ҳақида назарий билимларга эга бўлиши;
- тингловчи касбий фаолият соҳаларида адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари бўйича объект матнни танлаши ва адабий манбани комплекс анализ қилиши;

- тингловчи адабиётшуносликдаги назарий-методологик асосларни бадий ижод намуналари моҳиятига мос равишда қўллаш, адабий манбани баҳолаш, таҳлил ва талқин этиш ҳамда умумлашма хулосалар чиқариши;
- таълимнинг ижтимоийлашуви омили сифатида гуманитар фанларнинг аҳамиятини билиш *қўникмаларини эгаллаши;*

Тингловчи:

- метод, методология, методика тушунчалари ва уларнинг шаклланишида илмий мактабларнинг ролини билиши;
- матн маъносини тушуниш ва тушунтиришнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи, уларни таҳлил қилишда ижодий-тандиқий тафаккурнинг ролини билиши;
- талабаларнинг маънавий ахлоқий қиёфаси ва эстетик дидини шакллантиришда ўқитувчи образининг аҳамиятини билиши;
- гуманитар фанларни ўқитиш методикасини пухта эгаллаши, фаолиятида янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш *малакаларини эгаллаши;*

Тингловчи:

- мазкур адабиётшунослик йўналишда тўпланган янги маълумотларни саралаш ва муайян фанлар доирасида тизимлаштириш, аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;
- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш *лаёқатларини эгаллаши лозим.*

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари” модули мазмуни ўқув режадаги “Тилшунослик назарияси ва методикаси” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг адабиётшуносликнинг назарий-методологик асосларига доир касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларини адабиётшуносликнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Адабиётшунослик фанининг филологик таълимда тутган ўрни ва методология масаласи	4	4	2	2	-	-
2.	Адабиётшунослик методлари таснифи	6	4	2	2	-	-
3.	Бадиий асар муаллифига тегишли методлар ва назарий асослар	6	6	2	4	-	-
4.	Адабий контекст ва шаклга доир методларнинг асосий тамойиллари	6	4	2	2	-	-
5.	Замонавий ўзбек адабиётшунослигига хос етакчи тамойиллар	4	4	2	4	-	-
6.	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва журнал тахририятларида амалий машғулот	-	-	-	-	2	-
ЖАМИ:		30	26	10	14	2	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Адабиётшуносликнинг филологик таълимда тутган ўрни ва методлар масаласи

Филологик таълимнинг кадр-қийматини, ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини, бошқа фанлар билан алоқасини ҳамда ўзаро ички таркибини англаш. Адабиётшунослик ва тилшуносликнинг ўзаро муносабати масаласи. Филологик соҳадаги илмий-назарий муаммоларга алоҳида урғу бериш зарурати. Фанлараро алоқадорликни таъкидлаш, мисоллар келтириш ва давр билан боғлаш.

2-мавзу: Адабиётшунослик методлари таснифи

Адабиётшуносликда бадиий асарларни талқин қиладиган методларни таснифлаш муҳимлиги. Бадиий асарни таҳлили ва талқини учун адабиётшунос олим турли усуллардан фойдаланиши. Дунё адабиётшунослигида бадиий асарга ёндашувнинг кўплаб усуллари борлиги. Ҳар бир методнинг назарий асослари, асосчилари, талқиндаги индивидуал қирралари фарқланиши.

3-мавзу: Бадиий асар муаллифига тегишли методлар ва уларнинг назарий асослари

Адабиётшуносликда турли йўналишдаги методлар мавжудлиги. Бадиий асарни таҳлили ва талқини учун адабиётшунос турли усулларни билиши лозимлиги. Бадиий асар муаллифини тадқиқ этадиган методлардан бохабарлик таҳлилга ёрдам бериши. Биографик, психологик методларнинг муаллифга тааллуқли эканлиги.

4-мавзу: Адабий контекст ва шаклга доир методларнинг асосий тамойиллари

Бадиий асар матни талқинда етакчи саналиши. Адабий контекст ва бадиий асарнинг шаклини тадқиқ этадиган методларнинг илмий-назарий асосларини, асосий намояндалари ҳамда таҳлил тамойилларини ўрганиш долзарб эканлиги; ўзбек адабиётшунослигидаги айни методлар билан ёзилган илмий тадқиқотларга эътибор бериш зарурлиги.

5-мавзу: Замонавий ўзбек адабиётшунослигига хос етакчи тамойиллар

Ўзбек адабиётшуносларининг дунё адабиётшунослигидаги турли адабий назариялар ва бадиий асарга ёндашув усулларига мурожаатлари масаласи; тингловчининг устивор метод ва методологияларни ўргангандан кейин замонавий ўзбек адабиётига, давр ва муҳитга холис илмий назар ташлаш малакаларининг майдонга келиши. Замонавий адабиётшуносликда кечаётган янгиланиш жараёнлари ва мавжуд муаммоларга алоҳида урғу берилиши.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Бадиий асарга социологик ёндашув

Социологик ёндашувга хос бўлган талқин тамойилларининг тизими, ушбу методнинг бадиий асарга ёндашувидаги ўзига хос моделлари; социологик метод ва ижтимоий ҳаёт параллелизми. Социологик методнинг асосчилари, тарихи ва ўзбек адабиётшунослигидаги намояндалари.

2- амалий машғулот:

Биографик методга хос хусусиятлар

Биографик методнинг талқин тамойиллари ва асосчилари, Биографик жанр ва метод бўйича олиб борилган тадқиқотлар шарҳи. Ўзбек адабиётшунослигида биографик методда ёзилган асарлар таҳлили. Ушбу методга хос энг асосий хусусиятлар муҳокамаси.

3- амалий машғулот:

Психологик метод имкониятлари

Ўзбек адабиётшунослиги ва дунё адабиётшунослигидаги методлар уйғунлиги; бадиий адабиёт ва психологизм масаласи. Психологик методнинг майдонга келиш зарурати ва унга хос талқин тамойиллари. Психологик методнинг тараққиётида рус адабиётшуносларининг улуши. Ижод психологияси ва ижодкор лабораториясига доир қарашлар талқини.

4- амалий машғулот:

Формал мактаб ва формал метод

Дунё адабиётшунослигида бадиий асар шаклига диққат қаратилиши. Рус формал мактаби намояндалари ва формал метод тарихи. Формал методга хос хусусиятлар. Бадиий асарнинг шаклини тадқиқ қилиш амалиёти. Вульгар социологизм ва формализм ҳодисаси талқини.

5- амалий машғулот:

Герменевтик метод имкониятлари

Дунё адабиётшунослигида герменевтика тушунчасининг кенг тарқала бориши. Бадиий асарга герменевтик ёндашувнинг шаклланишида немис файласуфларининг ўрни. Герменевтик тафаккурга хос илмий-назарий унсурлар таҳлили. Бадиий ижод намуналарини герменевтик талқини тажрибаси.

6- амалий машғулот:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва журналлар таҳририятида амалий машғулот ташкил этиш. Амалий машғулотни кўчма шаклда ўтказиш; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг нашрлари билан танишиш. “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдуз”, “Ёшлик” журналлари таҳририятларидан билирда учрашув ўтказиш ва журналларда босилган энг муҳим адабий манбалар билан танишиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Расулов А. Бадиий асарга ёндашув асослари. Филолог-магистрлар учун ўқув қўлланма. –Т.: “Университет”, 2003.
4. Расулов А. Мустақиллик даври адабиётининг назарий-методологик асослари.–Т.: “Маънавият”, 2012.
5. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси (ўқув қўлланма) –Т.: “Muharrir”, 2011.
6. Абдуллаева Р. Шиллер ва ўзбек адабиёти. –Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2012.
7. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. –Т.: “Фан”, 2006.
8. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т.: “Академнашр”, 2014.
9. Норматов У. Устоз ибрати. –Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти”, 2007.
10. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. –Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
11. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Т.: “Шарқ”, 2004.
12. “Ўзбек адабий танқиди”. Антология. –Т.: “Tugon-iqbol”, 2011.
13. Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: “Маънавият”, 2002.
14. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т.: “Шарқ”, 2004.
15. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: “Академнашр”, 2010.
16. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”, 1994.
17. Ҳаққул И. Ижод иқлими. –Т.: “Фан”, 2009.
18. Ҳожиаҳмедов. Шеърий санъатлари ва мумтоз қофия. –Т.: “Шарқ”, 1998.

19. Вафо Файзуллоҳ. Чакмоқ ёруғи. –Т.: “Muharrir”, 2012.
20. Улуғов А. Қалб қандили. –Т.: “Akademnashr”, 2013.
21. Солижонов Ё. Нутқ ва услуб –Т.: “Чўлпон”, 2002.
22. Қодиров П. Тил ва эл. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи”, 2005.
23. Болтабоев Ҳ. Узбекское литературоведение начала XX века и научное наследие Фитрата. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Т.: 1996.
24. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик мисолида). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Т.: 2002.
25. Жўракулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 1998.
26. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992.
27. Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. –М.: “Радуга”, 1970.
28. Рикёр П. Конфликт интерпретаций: Очерки о герменевтике. – М.: “Наука”, 1995.
29. Фромм Э. Душа человека. -М.: “Республика”, 1992. - стр. 430.
30. www.ziyo-net.uz
31. www.litera.ru
32. www.philologs.narod.ru
33. www.kutubxona.uz
34. <http://www.rsl.ru/>
35. <http://www.msu.ru/>
36. <http://en.wikipedia.org/wiki/Structuralism>

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

- Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:
- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
 - давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
 - баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топширик турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	"аъло" 2,2-2,5	"яхши" 1,8-2,1	"ўрта" 1,4-1,7
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза

машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрафлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “study” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва

улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1” балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Адабиётшуносликнинг филологик таълимда тутган ўрни ва методлар масаласи

РЕЖА

1. Филологик таълимнинг икки йўналиши.
2. Адабиётшуносликнинг таркибий қисмларига доир муаммолар.
3. Адабиётшунослик учун методологиянинг қиймати.
4. Адабиётшунослик тарихи.
5. Адабий-назарий тушунчалар талқини.

Таянч сўз ва иборалар:

филология, тармоқ, адабиётшунослик, метод, методология, адабиёт назарияси, таркиб, тизим, адабиёт, тилишунослик, социолингвистика, ижод психологияси, структура, эстетик дид, ижодий метод ва илмий метод масаласи

Маъруза баёни:

Филологик таълимнинг кадр-қийматини, ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини, бошқа фанлар билан алоқасини ҳамда ўзаро ички таркибини англашга зарурати бор. Адабиётшунослик ва тилишуносликнинг ўзаро муносабати хусусида. Мазкур мавзу ўқитилишида филологик соҳадаги илмий-назарий муаммоларга алоҳида урғу берилади. Бошқа фанлар билан алоқадорлигини таъкидлаш, мисоллар келтириш ва давр билан боғлаш мавзунинг долзарблигини англатади.

Адабиётшунослик фанининг объекти ўтмишда яратилган ёки айтилган кунларда ёзилаётган бадиий асарлардир. Бу фан дарслик ва ўқув кўлланимларида “Адабиёт тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Адабий танқид” каби асосий ҳамда “Адабий манбашунослик”, “Матншунослик”, “Библиография” каби қўшимча таркибий қисмларга бўлинади. Айрим ҳолатларда булар қаторига “Адабиётшунослик методологияси” ҳам киритилса ҳам, бу “таркибий қисм” юзасидан батафсил маълумотлар берилмайди. Маълумки, “Адабиёт тарихи” бевосита ўтмишда яратилган бадиий асарлар, уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, адабий шахсиятларнинг санъаткорлик даражаси ва ижодий фаолиятини тадқиқ этиш билан шуғулланади. Бунда бадиий асарнинг муайян миллат адабиёти тарихи, бадиий тафаккури тадрижи, замонавий қиймати ва, умуман, инсоният

маданияти тарихида тутган ўрни белгилаб берилади².

“Адабиёт назарияси” бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий асарнинг ички қонуниятлари, образлар олами, адабий тур ва жанрлари, уларнинг таркиби, бадиий адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, ижодкор дунёқараши, шунингдек, ижод жараёнидаги қонуниятларини ўрганеди. Шу фан доирасида илмий-назарий тамойиллар муқимлашади; адабий-назарий муаммоларга ойдинлик киритилади. Янги адабий ҳодисалар учун янги назарий тушунчалар татбиқ қилинади. Адабиёт назарияси адабиётшуносликнинг бошқа барча таркибий қисмлари билан узвий боғлиқ ҳолда иш кўради.

“Адабий танқид” адабий жараён билан шуғулланади. Кундалик адабий ҳаётда ёзилаётган асарларни баҳолайди. Адабий-тарихий жараёнда кечаётган ҳодисаларни, янгиликларни, тажрибаларни таҳлил қилади. Ижодкор ва китобхон масалаларига диққат қаратади. Ғоявий-бадиий жиҳатдан етук асарларни тарғиб-ташвиқ этади; поэтик жиҳатдан заиф асарларга танқидий муносабат билдиради. Табиийки, ҳар бир даврнинг ўз адабий жараёни бўлади. Адабий жараён хусусиятлари вақт ўтиши билан ўзгариб, янгиланиб туради.

“Адабий манбашунослик” адабиётшунослик манбаларини тадқиқ қилади. Турли тарихий даврлардаги адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқидга оид манбаларни топиб, фаннинг тегишли соҳасига татбиқ этади. “Матншунослик” соҳаси асл матн билан иш кўрилади. Бунда қадим кўлёмалар, уларнинг турли нусхаларини қиёслаш, ўзаро фарқларини аниқлаш ва танқидий матн яратиш муҳим саналади.

Кейинги давр филология илми матнга алоҳида эътибор бермоқда. Дунё адабиётшунослигида умуман матнга герменевтик, лингвистик, семантик жиҳатдан ёндашиш, матн билан риторикани таққослаш, рецептив нуктаи назардан ўрганиш, матнга диологик нутқ сифатида қараш ҳолатлари кузатилади. Адабиётшуносликнинг “Библиография” қисми бадиий, илмий-адабий асарлар учун кўрсаткичлар, рўйхатлар тузиш, уларга изоҳлар ёзиш билан шуғулланади. Библиографик кўрсаткич ва рўйхатлар турли йўналиш ҳамда соҳа бўйича тузилиши мумкин. Бундай манбалар адабиётшуносларга зарурий адабиётларни топишда амалий ёрдам беради.

Кўрганамиздек, адабиётшуносликнинг тарикбий қисмлари олдида аниқ мақсад ва вазифалар, йўналиш табиатига кўра ўрганиш объекти бор; улар турли илмий-назарий муаммолари учун ечим излайди.

Адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари курсида метод ва методологик хусусида фикр юритишга зарурат бор. Мазкур мавзу доирасида лингвистика ва адабиётшуносликдаги методларнинг турлича талқинларига эътибор берилади.

Адабиётшунослик учун махсус методология бўлиши мумкинми? Фаннинг қайсидир тармоғига тегишли методология устида баҳс юритиш шартми? Методология тушунчаси фақатгина борлиқни фалсафий билишнинг

² Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992. P.12

Ўзигагина тааллуқли эмасми? Ўтган асрда адабиётшунослар орасида шундай саволлар майдонга қўйилган ва уларга турли жавоблар берилган. Махсус бир фан учун алоҳида олинган методология йўқ, у фанлар ҳақида гап кетганда муайян методлар борасида фикрлаш маъқулдир, деган қарашлар ҳам бўлган.

Кимдир “методология тушунчаси фақатгина фалсафий-мантиқий моҳият касб этади, муайян фанга доир методология устида сўзлаш ортиқча”, деган фикрни ҳам айтади³. Кўпчилик олимлар муайян фан соҳасида учун алоҳида олинган методлар мажмуасига айнан ўша фан методологияси тарзида қарайди. Бунда махсус фан соҳасига доир методлар илмий-фалсафий билиш принциплари фонида олинади. Ўтмишда адабиётшунослик методологиясига ҳам шу нуқтаи назардан қаралди. Адабиётшунослик методологиясининг фалсафий методология тушунчаси билан алоқаси асосий ўринга чиқди⁴.

Адабиётшунослик методологиясининг объекти хусусида баҳс борар экан, уни айнан адабиёт назарияси билан бир хил эканини даъво қилганлар ҳам бўлди. Аслида адабиётшунослик методологияси билан адабиёт назарияси объекти орасида фарқ бор. Адабиёт назарияси адабиётшунослик методологияси, илмий-назарий методлар муаммоларини қамраб ола билмайди. Гарчи ўзаро мустаҳкам боғланиш бўлса-да, уларга назарий адабиётшуносликнинг икки аспекти сифатида қараш лозим. Юқорида айтиб ўтилгандек, адабиёт назарияси бадиий ижоднинг қонуният ва категориялари билан шуғулланади. Адабиётшунослик методологияси эса, биринчидан, ўша қонуният ва категорияларни бошқарган ҳолда улар асосидаги илмий тадқиқот усулининг аниқ бир тарихий-адабий жараёндаги тамойилларини белгилайди. Иккинчидан, адабиётшунослик методологияси методлар хусусидаги таълимот табиатига кўра адабиёт намуналарига, адабий-илмий асарларга, бадиий матнга объект сифатида қарайди. Ҳар қандай бадиий матнга унинг ҳақиқатини кашф этиш ва қўйилган мақсад-вазифани бажариш учун ёндашилади.

Олимларнинг қарашларида адабиёт назарияси билан методологияни иккига ажратиш, уларнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиш учун дунё адабиётшуносларининг мулоҳазаларига мурожаат этиш бор. Жумладан, А.С.Бушман немис олими М.Верли фикрларига таянган ҳолда умумий адабиётшунослик тушунчасини қўллаш жоизлигини айтади. Шунда адабиётшуносликнинг назарий жиҳатини - адабиёт назарияси ва адабиётшунослик назарияси (методологияси) тарзида ажратишга имкон туғилади, деган фикрни илгари суради⁵.

Адабиётшунослик методологиясини аниқ бир адабий-илмий муаммонинг қандай ҳал этилиши мисолида адабиёт назариясидан яхшигина фарқлаб олиш мумкин. Маълумки, адабиёт тарихи ҳам адабиётшуносликнинг таркибий қисми саналади. Аммо ўз вақтида адабиёт тарихи фани нима билан

³ А.С.Бушмин. Методологические вопросы литературоведческих исследований. –Л.: Наука, 1969 й. Стр. 15.

⁴ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992. P.15

⁵ Ўша асар. 20-бет.

шуғулланмоғи керак? Бадиий асарлар тарихи биланми? Адабий қарашлар тарихи биланми? Ижодкорнинг таржимаи ҳоли тарихи биланми? Адабий шакл ва маҳорат тарихи биланми? Адабий оқимлар тарихи биланми? Шундай бир қатор саволлар пайдо бўлади. Тўғриси, адабиёт тарихи буларнинг ҳаммаси билан шуғулланмоғи керак. Бироқ бу муаммоларнинг қай бири муҳим, қандай кетма-кетликда тадқиқ этиш лозим, қайси бири биринчи ёки иккинчи даражали? Бу саволларга, албатта, бадиий адабиётнинг нисбатан ички қонуниятлари билан шуғулланадиган адабиёт назарияси тўла жавоб бера билмайди. Айнан шу ўринда адабиётшунослик методологиясига зарурат туғилади; шундай муаммоли жараёнда методология иш беради. Бунда адабиёт назарияси адабиётшунослик методи ва методологиясининг ёрдамида ўз тадқиқ объектига тўғри йўналишни танлаб олади. Адабиётшуносликнинг асосий ва ёрдамчи таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлигини шу факт ҳам кўрсатади.

Адабиётшунослик методологияси билан барча фан соҳалари учун умумий бўлган фалсафий методологиядан ўз специфик хусусиятига, хусусий методларига кўра ҳам фарқланади. Чунки дунё адабиётшунослигида бадиий асарга филологик, эстетик, формал, биографик, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, генетик, социологик, ижтимоий-генетик, тарихий-функционал, статистик, лингвистик, психологик, имманент ва бошқа қатор ёндашув усуллари ишлаб чиқилган. Шу асосда илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ҳозирги кунда эса бу ёндашув усуллари (методлар)нинг сони, салмоғи янада ортди. Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, дунё адабиётшунослиги психоаналитик, структурал, мифологик, экзистенциал, герменевтик, психокритик, семиотик, лингвостатистик, синергетик, лингвопоэтик, комплекс анализ, фенемологик каби бир қанча методлардан фойдаланади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу методлардан биронтасини ортиқча бўрттириш (вульгарлаштириш), яқин ўтмишда бўлганидек “буржуа адабиётшуносларининг методлари” сифатида асосиз танқид ёки инкор этиш ўринсиздир. Ҳар бир методнинг ўз назарий асосчиси, тарихи, тадқиқот усули, намояндалари, афзаллиги ва, эҳтимол бирёқламалиги, айниқса, барча учун баравар объекти борлигини эсан чиқармаслик лозим⁶.

Адабиётшунослик методологияси, деганда аксар ҳолатда йўл-йўриқ кўрсатиш, турли методлар, илмий тадқиқот усуллари, асарга ёндашувлар, манбанинг тадқиқ жараёнини режали уюштириш ва талқин этиш йўллари тушунилади. Методлар фан соҳасидаги шундай бир “қурилма”ки, ундан турли даражадаги билим, тажриба ва дунёқарашга эга олимлар ўз мақсадига, илмий ҳақиқатга етишлари учун ўз билим даражаси ва дунёқарашига мос равишда фойдаланади. Методология тадқиқотчига йўналиш беради. Бу соҳа олимнинг шахсий изланишлари даврида шаклланиб муқимлашади. Натижада объектининг қайси жиҳатларини қандай метод асосида бажариш лозимлиги кўринади. Методлар нисбатан нейтрал бўлиб қолиши ҳам мумкин, яъни аниқ

⁶ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992. P.19

бир методдан турли дунёқарашга эга олим бадий асар талқинида ўз ижодий ниятидан келиб чиққан ҳолда фойдаланди.

Ҳар қандай адабиётшуносликка оид тадқиқотда етакчи-устивор ва индивидуал методларни фарқлаш жоиз. Зеро, улар аниқ илмий вазифа қаршисида ўзларининг ўринларини бошқалари билан алмаштиришлари ҳам мумкин. Комплекс анализ умумлаштирувчи метод сифатида асосан тарихий-адабий муҳит, муайян миллат ёки давр адабиёти тарихи юзасидан муайян хулосалар чиқариш учун қўлланилса, нисбатан индивидуал метод ижодкорнинг маҳоратини, руҳий ҳолати ёки эстетик қарашларини, бадий асар тили, структураси, ритми ёки индивидуал услубини текширишга жорий қилинади.

Назорат саволлари:

1. Филологик таълимдаги долзарб муаммолар нималарда кўринади?
2. Ўзбек филологиясининг тарихи ва умумий ҳолати ҳақида қандай тасаввур мавжуд?
3. Ўзбек филолог олимларининг дунё илм-фанидаги ўрни тўғрисида қандай қарашлар бор?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. - Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
4. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. - М.: “Прогресс” 1989.
5. Каримов Б. “Адабиётшунослик методологияси”. - Т.: “Мухаррир”, 2011.
6. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т. “Akademnashr”, 2014.
7. Норматов У. Ижод сеҳри. –Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти”, 2007.
8. Шарафиддинов О. “Ижодни англаш бахти”. – Т.: «Шарқ», 2004.
9. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: “Фан”, 2006.
10. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. -Т., “Академнашр”, 2011.
11. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т.: “Фан”, 2008.
12. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992

2-мавзу: Адабиётшунослик методлари таснифи

РЕЖА

1. Адабиётшунослик методологияси ва адабиёт назарияси.
2. Метод ва методология баҳслари хусусида.
3. Адабиётшуносликдаги методлар хилма хиллиги.
4. Бадиий асарни турли аспектларда ўрганиш йўллари.
5. Методлар таснифи.

Таянч сўз ва иборалар:

адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, хронология, дунёқараш, эстетика, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, генетик, имманент.

Маъруза баёни:

Адабиётшуносликда бадиий асарларни талқин қиладиган методларни таснифлаш муҳим саналади. Бадиий асарни таҳлили ва талқини учун адабиётшунос олим турли усуллардан фойдаланади. Дунё адабиётшунослигида бадиий асарга ёндашувнинг кўплаб усуллари мавжуд. Ҳар бир методнинг назарий асослари, асосчилари, талқиндаги индивидуал қирралари фарқланади.

Методология тадқиқотчига йўналиш беради. Бу соҳа олимнинг шахсий изланишлари даврида шаклланиб муқимлашади. Натижада объектнинг қайси жиҳатларини қандай метод асосида бажариш лозимлиги кўринади. Методлар нисбатан нейтрал бўлиб қолиши ҳам мумкин, яъни аниқ бир методдан турли дунёқарашга эга олим бадиий асар талқинида ўз ижодий ниятидан келиб чиққан ҳолда фойдаланди⁷.

Ҳар қандай адабиётшуносликка оид тадқиқотда етакчи-устивор ва индивидуал методларни фарқлаш жоиз. Зеро, улар аниқ илмий вазифа қаршисида ўзларининг ўринларини бошқалари билан алмаштиришлари ҳам мумкин. Комплекс анализ умумлаштирувчи метод сифатида асосан тарихий-адабий муҳит, муайян миллат ёки давр адабиёти тарихи юзасидан муайян хулосалар чиқариш учун қўлланилса, нисбатан индивидуал метод ижодкорнинг маҳоратини, руҳий ҳолати ёки эстетик қарашларини, бадиий асар тили, структураси, ритми ёки индивидуал услубини текшишга жорий қилинади.

Ю.Б.Борев метод тушунчасига фикрлаш усули (способ мышление), методология тушунчасига метод назарияси (теория метода), методика тушунчасига методнинг хусусий усуллари тизими тарзида қарайди. Агар

⁷ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992. P.25

илмий-назарий қарашлар татбиқ қилинаётган объектга мос-мувофиқ келса, бундай ёндашув методологик жиҳатдан жуда яхши натижа беради. Метод ана шу мувофиқлик асоси ташкил этади⁸.

Адабиётшунослик методологиясида қуйидаги факторлар муҳим саналади:

1. Аввало, бадиий асар бўлиши лозим. Бунда адабий жараён ва унинг қонуниятлари ёки бадиий асар ва унинг хусусиятлари тадқиқ этилади.

2. Адабиётшунослик методологияси замонавий адабиёт тажрибасига таянади. Бу соҳа учун бадиий кашфиётлар муҳим роль ўйнайди. Умуман, адабиётшуносликдаги ички ёндашувлар, таҳлил ва талқин усулларининг имкониятлари оригинал бадиий кашфиётлар эвазига кенгайиб боради.

3. Методологияда муайян дунёқараш устивор бўлади. Шу дунёқараш воситасида объекти тадқиқ қилинади.

4. Методология учун тарихийлик тамойили муҳим саналади.

5. Адабиётшунослик методологияси бошқа фан соҳаларининг ютуқларига суянади. У социология билан алоқадор. Матн ритмикасини ўрганишда, статистик улудда табиий фанлар билан боғланади. Семиотик, имманент анализда лингвистика ютуқларига таянади⁹.

Методология учун “нима учун”, “нима” ва “қандай” деган муҳим саволлар бор. Масалан, адабий-танқидий таҳлилда адабий манба, бадиий матн нима учун, нима мақсадда текширилади? Бу саволга жавоб керак. Тадқиқотчи ёзувчи ва воқеликни текширадими, бадиий асарнинг поэтик даражасини аниқлайдими, муаллифнинг бадиий маҳоратига, санъаткорлигига баҳо берадими? Бу турдаги масалалар методологик жиҳатдан таҳлилнинг “нима учун” деган қисмини ташкил этади. Адабий-назарий таҳлилда айнан “нима” тадқиқ қилинади? Шакл, мазмун, услуб, ғоя, тил, бадиий концепция, жанр, асарнинг яратилиш тарихи, автор руҳияти ва бадиий психологизм, традиция ва новаторлик – “нима”ни тадқиқ этиш керак? Бу икки масала методологик жиҳатдан ойдинлаштирилгандан кейин уни “қандай” тадқиқ этади, деган савол табиий шу юқоридаги икки ҳолат жавобидан келиб чиқади. Зотан, бадиий матндаги 1) кўп аспекти - бир йўла бир неча жиҳат текширилиши ва ёки 2) унинг битта қирраси ўрганилиши мумкин. Буни тадқиқотчи ўзи билим даражаси, дунёқараш, ички сезим - интуицияси билан белгилаб олади. Адабиётшунослик илми муайян адабий ходисага: 1) хронологик 2) муаммоли 3) жанр хусусиятига кўра ёндашиши мумкин. Адабиётшунослик илмининг икки катта таркибий қисми - адабиёт тарихи ва адабиёт назариясига эътибор берилганда ҳам улар маълум бир ички тартибга эга экани кўринади. Масалан, адабиёт тарихи энг аввало икки тамойил асосида - хронологик (қадимги, ўрта асрлар, янги типдаги даврлаштириш) ва маконий белги (маълум бир мамлакат адабиёти тарихи, маълум бир регион адабиёти тарихи, маълум бир этник жиҳатдан яқин бўлган халқлар адабиёти тарихи, дунё адабиёти тарихи) нуқтаи назаридан

⁸ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992. P.28

⁹ Боров Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М.: 1981. Стр. 36-37.

методологик асосда фарқланади. Бу ҳар икки фарқни қамраб олган адабиёт тарихи ичкарасида маълум бир масалалар юзасидан, масалан, адабий оқимлар-йўналишлар тарихини ўрганиш (классицизм, романтизм, танқидий реализм, реализм, модернизм), алоҳида олинган жанрлар тарихини ўрганиш (эпос, роман, трагедия, ғазал), йирик адиблар ижодини ўрганиш (шекиспиршунослик, навоийшунолик, қодирийшунослик) юзасидан ҳам тармоқланиши мумкин.

“Адабиёт назарияси”дан маълумки, ижодий метод – бу ижодкорнинг дунёга қарашига оид тушунча бўлиб, борлиқ, инсон, воқеа-ҳодисалар муносабатини белгилайди. Адабиётшунослик методлари эса бевосита адабиётшунос олимнинг адабий-илмий матнни билиши, тушуниши ва тушунтиришига тегишли илмий тушунчалар тизимидир.

Адабиётшунослик методларини фанда “усул”, “ёндашув”, тарзида турлича номлаш ҳамда турлича таснифлаш мавжуд. Табиийки, яхлит ҳодисани қисмларга жаратиб ўрганиш, маълум бир асосига кўра таснифлаш воқеликни англашга ёрдам беради. Адабиётшунослик методларидан бири тадқиқот жараёнида етакчилик қилиши мумкин. Шу тамойилга қараб тадқиқот ишининг қайси методда ёзилгани аниқланади. Битта илмий ишда, мақола ёки илмий рисола, монографияда бир неча методлар қоришиқ ҳолда келиши ҳам мумкин. Методлар орасига бирлашмас, ўзаро кесишмас тарзидаги чегара қўйиш тўғри бўлмайди. Зеро, бадиий матнга нисбатан барча, бир неча методларни қўллаб, жуда кўп қирралар комплек усулда ойдинлаштирилиши, тушунтирилиши ҳам илмда бор ҳодисадир.

Немис олими Мариен Крисебахнинг «Methoden der Literaturwissenschaft» (“Адабиётшунослик методлари”) номли китобида қуйидаги таснифни беради:

1. Positivistische Methode (Позитивистик метод).
2. Geistesgeschichtliche Methode (Ижтимоий-тарихий метод);
3. Phänomenologische Methode (Фенемологик метод).
4. Existentielle Methode (Экзистенциал метод).
5. Morphologische Methode (Морфологик метод).
6. Soziologische Methode (Социологик метод).
7. Statistische Methode (Статистик метод).
8. Strukturalistische Methode (Структурал метод)¹⁰.

Рус адабиётшунослигида бадиий асарга ёндашув усулларини Ю.Борев қуйидаги тарзда таснифлайди.

1. Социологик ёндашув.
2. Гнесеологик ёндашув.
3. Тарихий-маданий ёндашув.
4. Қиёсий-тарихий ёндашув.
5. Биографик ёндашув.
6. Ижодий-генетик ёндашув.
7. Онтологик ёндашув.

¹⁰ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992. P.30

Ю.Борев шу мавзуга оид китобида бундай ёндашувларга хос хусусиятларни батафсил ёритиб беради¹¹.

Адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов филолог-магистрлар учун ёзган “Бадий асарга ёндашув асослари” номли ўқув қўлланмасида асосан бадий асарга “тарихий-биографик” ҳамда “тарихий-функционал” ёндашувни ўзбек адабиёти манбалари асосида ёритади¹². Шу ўринда бугунги ўзбек адабиётшунослигида адабиётшунослик методлари, уларнинг тарихи, таҳлил тамойилларига қизиқиш кучайганини, бу хусусда айрим мақолалар ёзилганини таъкидлаш лозим¹³.

Алоҳида таъкидлаш керакки, адабиётшунослик методлари ўзаро қатъий чегарлаш ҳам, масалани бир метод тадқиқ йўлларининг бошқасида учрамаслиги тарзида қўйиш ҳам тўғри бўлмайди. Бадий асар моҳиятини, ижодкор маҳоратини очишда жараёнида бир неча методлар бараварига қатнашиши ҳам ёки тадқиқотда бирор методнинг устивор бўлиши ҳам мумкин. Муҳими, санъаткор дунёсини, бадий асарнинг поэтик гўзаллиги ва эстетик қийматини кўрсатитишидир¹⁴.

Дунё адабиётшунослигида бир қатор методлар фарқланади, улардан айримлари қўлланмада имконият доирасида ёритилди.

Назорат саволлари:

- Дунё адабиётшунослигидаги етакчи методлар ҳақида маълумот беринг.
- Ўзбек адабиётшунослиги тарихидаги асосий таҳлил методлари қайсилар эди?
- Адабиётшуносликда келажакда қайси усуллар кўпроқ самара бериши мумкин?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. - Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
4. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. - М.: “Прогресс” 1989.
5. Каримов Б. “Адабиётшунослик методологияси”. - Т.: “Мухаррир”, 2011.

¹¹ Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М., 1981. Стр.47-66.

¹² Расулов А. Бадий асарга ёндашув асослари. -Т., 2003, 43-бет.

¹³ А.Расулов. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006.; С.Мели. “Янги танқид” // “Шарқ юлдузи” журнали. 2010., №4; У.Жўракулов. Худудсиз жилва. –Т.: “Фан”, 2006.; Эшонбобоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2008 йил. № 2.

¹⁴ Maren-Griresebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992. P.32

6. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т. “Академнашр”, 2014.
7. Норматов У. Ижод сеҳри. –Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти”, 2007.
8. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: «Шарк», 2004.
9. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. «Фан», 2006.
10. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. -Т., “Академнашр”, 2011.
11. Куронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т.: “Фан”, 2008.
12. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992.
13. www.ziyo-net.uz
14. www.edu.uz
15. www.litera.ru.
16. www.Philologs.narod.ru.

3-мавзу: Бадиий асар муаллифига тегишли методлар ва уларнинг назарий асослари

РЕЖА

1. *Методнинг асосий тамойиллари;*
2. *Биографик ва психологик методлар тарихи ва асосчилари;*
3. *Биографик жанр ва биографик метод хусусида.*
4. *Ўзбек адабиётшунослигида муаллифни ўрганиш масаласи;*

Таянч сўз ва иборалар:

психология, биография, таржимаи ҳол, ижодкор “мен”и, психобиография, адабий портрет, биографик жанр.

Маърузанинг қисқача баёни:

Адабиётшуносликда турли йўналишдаги методлар мавжуд. Бадиий асарни таҳлили ва талқини учун адабиётшунос турли усулларни билиши лозим. Бадиий асар муаллифини тадқиқ этадиган методлардан бохабарлик таҳлилга ёрдам беради. Ҳар бир методнинг назарий асослари, асосчилари, талқиндаги индивидуал қирралари ўрганиш долзарб саналади.

Адабиётшуносликдаги биографик метод тамойилларининг ишлаб чиқилиши ва, умуман, бу методнинг бадиий асарларни ўрганишга татбиқ этилиши француз танқидчиси ва шоири Шарль Огюстен Сент-Бёв (1804-1869) номи билан боғланади. Журналларда босилган мақолаларидан унинг “Душанба кунларидаги суҳбатлар” (1851-1862), “Янги душанба кунлари” (1863-1870) номли бир қанча китоблари юзага келади. Сент-Бёв 24 ёшида “XVI аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори” тадқиқотини ёзади. Олимнинг яна бир муҳим асари “Империя даврида Шатобриан ва унинг адабий гуруҳи” (1861) деб номланади.

“Адабий портретлар” (1836-1839) номли («Литературные портрети». Критические очерки. М. 1970) китоби биографик метод тамойиллари асосида ёзилган. Бу китобида Сент-Бёв ўрта асрлар француз адабиётини, 16 аср поэзиясини, классиклардан Корнель, Расин, Мольер, Лафонтен ижодини, 18 аср ёзувчилари - Вольтер, Дидро, Бомарше, Руссо ижодини, 19 асрдан Шатобриан, Гюго, Мюссе, Жорж Санд ва Флобер ижодини тадқиқ этади. Адибларнинг биографияси билан ижодини бир бутунликда талқин қилади.

Сент-Бёв ўзининг биографик йўналишда ёзган адабий-танқидий мақолаларида ҳар бир ёзувчи ҳаёти ва аниқ бир асарига талқинига алоҳида эътибор беради. Зотан, “Адабий портретлар” тўпламида: “Мени ҳар доим хатлар, суҳбатлар, фикрлар, характерларнинг ўзига хос турли фазилатлари, маънавий-руҳий қиёфаси; бир сўз билан айтганда - машҳур ёзувчиларнинг

биографиясини ўрганиш ўзига жалб этиб келди”,¹⁵ деган фикрларни ёзади.

Бу методга яқин ўтмишда жиддий эътибор берилмади. Айнан “психобиография”, яъни ёзувчининг психологик биографияси тарзида адабиётшунослик амалиётига татбиқ этилмади. Тўғриси, бир ҳақиқатни, яъни бадиий асарда ижодкор руҳий кечинмалари, кўрган-кечирганлари, ҳаётий тажрибалари ёки турли изтиробли ҳодисалар акс этишини, бундай биографик воқеликнинг изи асарларда қолишини ҳеч ким инкор қилмайди. Ёзувчи психобиографияси қайсидир маънода унинг бадиий асарларидаги воқеа-ҳодисалар баёни, яратган образлари тизимида ўз ифодасини топади. Бундай индивидуаллик санъат асарининг оригиналлигини, ўзига хос хусусиятларини намоён қилади. Ёзувчи ҳаётидаги ўзгаришлар, бесаранжомлик, безовталиқ, руҳий-ҳиссий кечинмалар, тўлқинланиш ва оғриқли дардлар, муаллақ ёки собит дунёқараш фонида унинг бадиий асарини талқин этиш ўзининг ижобий самараларини бериши табиий.

Масалан, Л.Н.Толстой ҳаёт йўлида, оилавий муҳитида учраган турли ҳодисаларни тугал англамасдан адибнинг тавба-тазаррусини ҳам, энг кичик ҳикояларидаги оддий деҳқонлар образидан тортиб, улкан эпопеяларидаги кибор шахслар табиатини ҳам тўла англаб бўлмайди. Адибнинг ижодкор сифатидаги тақдири билан рус подшосининг ўзи қизиққан; хотини Софья Андреевна билан бўлиб ўтган турли мунозаралари, ҳатто аниқ бир асарининг сюжетига асос бўлган; кўпгина асарлари учун ён-атрофидаги яқинлари прототип вазифасини бажарган¹⁶.

Бошқа бир мисол: “Ҳинд сайёҳи”, “Мунозара”, “Раҳбари нажот” каби асарлари ҳақида Фитратнинг руҳий-маънавий дунёсини, эътиқодий қарашларини, унга таъсир этган микромуҳитни тадқиқ этмагунча тўғри хулосалар чиқариш қийин. Айни чоғда, орадан ўн-йигирма йиллар ўтгандан кейин ёзилган “Меърож”, “Зайд ва Зайнаб”, “Заҳронинг иймони” типидagi ҳикояларни ҳам Фитратнинг ҳаёт тажрибалари, дунёқарашидagi ўзгаришлар, муҳит тайзиқи каби қатор биографик омилларнинг махсус текширувини талаб этади. Табиийки, бу жараёнда хотира китоблари, кундалиқлар, ўз вақтида матбуотида босилган турли мақоллар муҳим аҳамият касб этади.

Ш.Сент-Бёвдан кейин машҳур кишиларнинг бадиий-эстетик биографиясини ёзиш анъанасини француз ёзувчиси Андре Моруа (1885-1967) давом эттирди. У биографик методга мос равишда романлаштирилган биографияларни маромига етказиб ёзди¹⁷. А.Моруанинг адабий-эстетик қарашлари уч булоқдан - француз, инглиз ва рус маданиятидан баҳраманд бўлган. Рус ёзувчилари И.Тургенев, А.П.Чехов, Л.Толстой ҳақидаги қарашларини махсус асарларида баён қилди. А.Моруа Шекспир, Бальзак ва Л.Толстой ҳақида фикр юритиб, уларга: “Инсоният учун инсоният томонидан бино этилган уч буюк ёдгорлик”, деган баҳони берди¹⁸. А.Моруа инглиз адабиларидан Байрон ва Шелли, Диккенс ва Броунинг, Уэллес ва Б.Шоунинг

¹⁵ Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. -М., 1970. Стр.313.

¹⁶ Бу ҳақда батафсил қаранг: В.Вересаев. Живая жизнь. -М., 1991.

¹⁷ Наркирьер Ф. Андре Моруа. -М., 1974. Стр. 22.

¹⁸ Моруа А. Прометей или жизнь Бальзака. -М., 1988. Стр. 460.

ижодини жиддий таҳлил қилади. Унинг назарида, О.Бальзак француз адабиётида энг юксак мақомда туради. А.Моруа француз адабиёти тарихи ҳамда XX аср француз ёзувчилари ҳақида “Лабрюйердан Прустгача” (1964), “Прустдан Камюгача” (1963), “Жиддан Сартргача” (1965), “Арагондан Монтерленгача” (1967) номли китоблар ёзади. Бу китоблардан танлаб олинган адабий мақолалар 1970 йили рус тилида “Адабий портретлар” номи билан нашр этилади.

Олимлар таъкидлашича, А.Моруа газета ва журналлардаги мақолларидан ташқари турли жанрларда етмишдан ортиқ асари алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган. Адибнинг “Уч Дюма”, “Олимпио ёки Виктор Гюго ҳаёти” асарлари машаққатли меҳнат, жиддий изланишлар туфайли майдонга келди. Моруа ижоди билан танишган ўқувчи юзлаб шахслар билан учрашади. И. Тургенев ва М.Пруст ҳақида ёзган асарлари, уларнинг ижодига оид мулоҳазалари адабий-танқидий тадқиқот типига яқин туради. Бу адиб ижод қилган давр Европа фалсафаси ва адабиётида психологияга, инсоннинг ички кечинмалари тадқиқига, психоанализга, экзистенциализмга қизиқиш жуда кучли эди. Бу йўналишнинг улкан намояндалари жараёнга ўз таъсирини ўтказаятган бир давр эди. А.Моруа “вақтни сўраган одамга соатининг ички механизмларини, пружина” ёки майда мурватларини эмас, соатнинг ўзини кўрсатиб қўя қолди. Адабий-тарихий жараёнда турли йўналишлар билан параллел яшашга ҳақли. Моруа учун инсоннинг ўзи, унинг ҳаёт таризи ва ижоди муҳим эди. “Энг асосийси, - дея ёзади Ф.Наркирьер “Андре Моруа” китобида, - Моруанинг барча ёзган асарларини бир нарса - унинг методи, ижодга биографик ёндашув методи бирлаштириб туради”¹⁹. А.Моруанинг кўпгина қарашлари Сент-Бёвнинг адабий концепциясига яқин туради. “Сент-Бёв ҳимоясига доир” деган мақоласида ўша олимнинг: “Мен дарахт қандай бўлса, меваси ҳам шунақа, дея мамнуният билан айтаман. Шунга монанд, адабий тадқиқот мени психологик изланиш-тадқиқотлар сари етаклайди”, деган фикрларини келтиради.

Адабиётшуносликдаги биографик метод учун психологик ёндашув, биография ва психология параллелиги аҳамиятини шу эътирофдан ҳам билиш мумкин. Зотан, бу метод ҳақида марксист танқидчи олимлар биографик методда бадиий асарнинг жамиятдаги функциясига эътибор қаратилмайди, бадиий асар муайян шахс ижодининг маҳсулидан иборат қилиб қўйилади, бу методда субъективлик гуноҳи бор, қолаверса, бу метод сермахсул эмас, тарзида айблар тақаганлар. Бу методдан фойдаланадиган адабиётшунослар учун ҳам қолип тавсия этилган: тадқиқотчи адибнинг адабий ва ўз даври ижтимоий ҳаётидаги ролини тўғри аниқлай билиши лозим.

Тадқиқот методига бундай муносабат, табиийки, адабиётшунослик илми устидан юритилган сиёсатга, фикр ва қалам эркисизлигига бориб тақалади. Маълум бўлаётганидек, бу методнинг ижобий жиҳатлари кўп.

¹⁹ Наркирьер Ф. Андре Моруа. -М., 1974. Стр.199-200.

Оддий бир ўхшатиш қилиб айтганда, қуёш нури ёмғир сувидан ўтиб камалакка айланганидек, бадий асар ижодкор шахсий ҳаёти призмасидан ўтказилади ва натижада ижоднинг камалакранглари кашф этилади.

Адабиётшуносликдаги бирор методни ҳақиқатни англашнинг ягона йўли сифатида ҳеч ким мутлоқлаштирмаслиги лозим. Чунки илмда ҳақиқатга бориладиган йўл битта эмас. Ҳар бир тадқиқот усулининг ўзига хос ички йўл-йўриқлари мавжуд. Ҳар бир тадқиқотчи бадий асарни қисмларга ажратиш ва бутунлаштириш ёки аниқ бир назарий муаммони махсус ажратиб ўрганиш ва ўз илмий-назарий фикрларини баён этиш ҳуқуқига эга. Айни чоқда, тадқиқотчи олим ўз ишида комплекс анализ усулини қўллаши ҳам мумкин.

Андре Моруа Оноре де Бальзак ижодини ёритар экан, унинг “Горио ота” (1843 йил ёзилган) романига алоҳида тўхталади. Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига, психологик ҳолатларига, дарду аламлари ва кайф-сафоларига роман муаллифи ҳаёти йўли орқали қарайди. А.Моруа романдаги Воке хоним ижраҳонасида яшайдиган “ўсиб келаётган персонаж” Растиньяк ҳамда “исёнкор, жамиятга қарши уруш эълон қилган” Вотрендан Бальзак табиатига хос хусусиятларни топади. Шу маънода ёзади: “Бальзак ўз сифатларидан анча-мунчасини Вотренга берган ўша даврдаги ҳамма ёш йигитлар каби ёзувчи ҳали ҳам Наполеон сиймоси олдида тобланишдан халос бўлган эмас”.

Бальзакнинг Наполеон сиймосига ошуфталигини яна бир факт ҳам исботлайди. Унинг ёзув столи-китоб жавонининг энг тепасида ярим метрча келадиган Наполеоннинг гипс фигураси қўйилган. Унинг пастига картон қоғозда: “У қилич билан бошлаган ишни қалам билан охирига етказиш керак! Оноре де Бальзак”, деган ёзув ёпиштириб қўйилган. “Наполеон Бальзак учун титанизм - куч-қудрат намунаси бўлган, Адиб уни “инсоният салтанати тарихидаги энг кучли ирода” эгаси деб билган. Ҳаётни абадий жанггоҳ санаган Бальзак ўзини қўп бора Наполеонга ўхшатади”²⁰.

Бальзак “Горио ота” романида баъзан Вотрен, баъзида Растиньякка ўз характери қирралари қўшиб ёзади. Айрим саҳифаларда Бальзак Вотрендек исёнкор ҳолатга киргандек кўринади. “Ҳолбуки, ўзининг табиатига кўра у ҳам Растиньякка ўхшаган юмшоқ одам. Эзгулик, меҳрибонлик нима эканини яхши биладиган Жорж Санд қатъият билан шундай дерди: “Бу даҳо инсон тўғрисида у даставвал меҳрибон ва мушфиқ одам бўлган демоқ - унинг тўғрисида мен биладиган мақтовлардан энг юксагини айтмоқдир”. Бироқ худди Растиньяк каби, деярлик бошқа ҳамма одамлар каби Бальзак ҳам мураккаб одам эди. Худди Растиньяк каби дўстликнинг қадрига етарди... Бироқ Бальзак мухтожликларга тўлиб-тошган, кишини йўлдан оздирувчи эрмаклари сероб бир тарздаги ҳаётни кечирди, бу ҳаётда у тез-тез ғазаб оташларига ҳам дуч келиб турарди. Табиийки, Бальзак ҳам худди Растиньякка ўхшаб нима қилиб бўлса-да, бунақа турмушдан халос бўлишни истаган.

²⁰ Г.Э.Ионкис. Оноре Бальзак. -М., 1988.

Растињьяк “Горио ота” романида ҳали жуда тортинчоқ хижолат чекаверадиган йигит сифатида кўринади. Биз Растињьяк билан яна қайтадан учрашганимизда, у энди барон, давлат котиби, ўз ўйнашини эрининг озми-кўпми онгли шериги (“Банкир Нусингенлар хонадони”), 1845 йилга келганда эса у энди министр бўлади... Эндиликда у “Мутлоқ эзгулик деган нарса йўқ, фақат шароит бор” деб даъво қилади (“Ўзлари беҳабар мазҳарабозлар”, “Асридан сайланган ноиб”). Кўпинча бу персонаж учун Тьер нусха бўлиб хизмат қилган дейишади. Дарҳақиқат, Бальзак Растињьяк образини яратар экан, Тьернинг баъзи бир сифатларини олган бўлиши мумкин, лекин ҳаммадан ортиқроқ у ўзининг сифатларини олган”.²¹

Маълум бўланидек, А.Моруа адиб асарларидаги образлар табиатининг энг муҳим ва асосий жиҳатларини Бальзакнинг ўзига боғлаб тушунтиради. Бальзакка хос барча фазилат ва орзу-истаклар унинг қахрамонларига ҳам хос. Ҳар қандай ижодкор асарларида, энг аввало ўз қалбини, ўз маънавий дунёсини акс эттиради. Шу маънода бадиий асар ҳолатдан муаллиф дунёқарашини, эътиқоди ва турмуш тарзини англаш ҳам мумкин. Биографик метод шу англаш ва англатиш йўлидан бориб иш кўради.

Инчунун, жаҳон адабиётшунослиги, хусусан, француз адабиётшунослигида биографик методнинг ҳам назарий, ҳам амалий тажрибаларини, таъкидлаш жоизки, муваффақиятли тажрибаларини учратиш мумкин.

Дунё адабиётида маълум бир ижодкорнинг котиблари томонидан ёзилган асарлар ҳам (Иоганн Петер Эккерман “Гёте билан суҳбатлар”), адибларнинг ўз эътирофлари битилган асарлар ҳам (Л.Толстой “Икрорнома”) мавжуд. Бундай манбалар – мактублар, икрорномалар, суҳбатлар, хотиралар, эсталиклар, қўлёзмаларнинг турли нусхалари, ижодкор лабораторияси, шахсий архиви, замондошлари хотиралари ва, умуман, ижодкорга тегишли бошқа қатор омилар бадиий асарни биографик метод асосида ўрганиш учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

В.С.Барахов “Адабий портрет яратиш санъати” китобида муҳим бир хотирани келтиради. 1901 йили, бир куни Чехов Горькийга айтади: “Мана Гётенинг ҳар бир сўзи ёзиб олинган, аммо Толстойнинг фикрларий ҳавога учиб кетмоқда”. Чехов бир неча бор Толстой ёнида Эккерман йўқлигидан афсусланади. Ҳатто бир куни Сулержицкий деган ижодкорга Толстойга котиблик қилишни маслаҳат ҳам беради. И.П.Эккерманга ўхшаб, айнан ижодкор билан ёнма-ён яшаб унинг кундалик “ҳикмат”ларини ёзиб бориш, табиийки, бундай кундаликдаги хотиралар биографик методини қўллашда қўл келади. Вақт ўтгандан кейин ёзилган хотираларга эса, турли манфаатлар, баъзида тўқима гаплар аралашиб қолади.

Кейинги йилларда ўзбек олимлари ҳам курук, хронологик адабий портретдан фарқли ўлароқ биографик метод имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини ҳис этмоқда. Шу маънода профессор А.Расуловнинг “Илми ғарибани кўмсаб...” (Т., “Маънавият”, 1998) китобидан ўрин олган “Ҳол

²¹ Андре Моруа. Оноре де Бальзак // «Жаҳон адабиёти» журналы, 1999. №8, 123-135 бетлар.

таржимасидаги сакталиқ ва сохталиклар” номли мақоласи аҳамиятлидир. Олим бунда ёзувчи биографияси билан унинг асари орасидаги узвий боғланиш, руҳий яқинлик аҳамиятига алоҳида эътибор беради: “Ёзувчи ҳолати билан ижоди орасида узвий боғлиқлик бор... Ҳар қандай асарда ёзувчи руҳи, ҳоли, қалби акс этади. Асарлар синчиклаб ўрганилса, улар ёзувчи ҳолати, руҳияти ҳақида кўп нарсалар сўзлаб беради”²². Олим “Танқид, талқин, баҳолаш” (Т. Фан. 2006.) китобида ёзади: “Бадиий асар – хоҳ у лирик, хоҳ наср, хоҳ драма бўлсин – ёзувчининг ижоди маҳсули. Фарзанд ота-онага ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадиий асар талқин, таҳлил қилинганда, табиийки, ёзувчининг руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинади. Адабиётшуносликда бадиий асарни талқин этишда ёзувчи руҳияти, кайфияти – ҳолатини ўрганувчи соҳа бор. Уни биографик метод ёхуд бадиий асарга ёзувчи ҳолати нуқтаи назаридан ёндашиш дейилади”²³.

Ўзбек адабиёти тарихидаги Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”, Ойбекнинг “Болалиқ”, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, Саид Аҳмаднинг қамоқхона ҳаётидан олиб ёзилган ҳикоялари ва бошқа кўплаб асарларни айнан шу метод асосида тадқиқ қилиш ўзининг яхши самараларини бериши табиийдир. Бу тоифага мансуб тадқиқотлар қисман бўлса ҳам ўзбек адабиётшунослиги тарихида мавжуд. Ўзбек адабиётшунослигида биографик методда ёзилган тадқиқотлар сирасига И.Султоннинг “Навойнинг қалб дафтари”, Н.Каримовнинг “Чўлпон”, Д.Қуроноунинг “Чўлпон: ҳаёти ва ижоди” каби китобларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Биографик метод учун ижод аҳли асосан ўзини ёзади, бадиий образлари моҳиятига ўз қарашларини, эстетик идеаларини жойлаштиради, деган тамойил ҳам муҳим саналади. “Ёзувчининг, гарчи шахсан танилмаса ҳам, асарларини ўқиб, қандай табиатли шахс эканини ғойибона билиш, тасаввур қилиш мумкин. Чунки у асарларида асосан ўз табиатини, руҳини тасвирлайди” (Абдулла Қодирий). Улкан ижодкорларнинг руҳи, табиати, идеаллари ўз қаҳрамонлари ортига яширинган бўлади. Бадиий асар ижодкор шахсида бутунлашади. И.В.Гёте айтадики: “Менинг ҳамма асарларим битта иқрорноманинг бўлақларидир”, деб ёзади. “Мангу яшайдиган бир умумий қоида бор - муаллифнинг шахсий иқрорлари ва эътирофларидан мутлақо холи бўлган санъат асарини топиш ғоятда мушкул... Шуниси ҳам борки, ёзувчи ўзи тўғрисида гапирмоқ учун, албатта, иқрорнома ёки кундалиликлар шаклига мурожаат қилмоғи шарт эмас. У буни ўзи ўйлаб топган тўқима образлар тили билан айтади. Биринчи қарашда бу образ адибнинг ўзига сира ўхшамайди, бундан нафақат адабий китобхон, баъзан эса ҳатто муаллиф биографиясининг ҳамма сирларидан хабардор бўлган тадқиқотчи ҳам алданиб қолади...”²⁴.

Бадиий асардан ёзувчи табиатига хос хусусиятларни англаш, ҳис этиш

²² Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб. -Т.: Маънавият, 1998. 27-бет.

²³ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. -Т.: Фан, 2006. 75-бет.

²⁴Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. -Т.: Маънавият, 2010. 249-бет.

ижодкор яшаган мухитни, маънавий-руҳий, эътиқодий дунёқарашини англаш орқали юзага келади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг шахсиятини, дунёқарашини англаш асарларини теранроқ тушунишга олиб келади. Зотан, аллома адибнинг Юсуфбек хожи, Отабек, Анвар, Кумуш, Раъно сингари қаҳрамонларида акс этган бебаҳо маънавий қадриятлар бевосита Абдулла Қодирий маънавий-руҳий дунёсига тааллуқлидир. “...Артист бўлганимда эди, Отабек ролида ўзим ўйнардим... Негаки, Отабек характерини мenden яхши билгувчи йўк...”²⁵, деган истаги асосида ҳам ўша руҳий бутунлик сезими бор.

Замондошларининг хотираларида Абдулла Қодирийнинг гулларни парваришига, гулларга шайдо экани ёзилган. Бу фазилат билан “Меҳробдан чаён” романидаги Анварнинг гулларга сув куйиб ўстириши, парваришlashга бўлган шайдолиги орасида яқинлик бор, албатта. Бошқа бир мисол. Абдулла Қодирийнинг болаликда қийинчилик билан таҳсил олгани, сўнгра Расулмуҳаммадбой эшигида мирзалик қилиб, кейин бойнинг таклифи билан унинг қизига уйлангани қайсидир даражада Анвар ҳаёти билан боғлиқ (Анварнинг Солиҳ махдумга ёрдамчи бўлиб, сўнг Раънога уйланиши каби) воқеаларни эслатади. Буни қарангки, роман сўнгида Абдулла Қодирий мирзо Анварни дор тагига олиб боради ва бадий усули билан ўлимдан “кутултириб” юборади. 1937 йилги машъум тузумнинг қаҳратонлари адиб қалбини музлатди; аммо адибни унинг бўйнига солинган сиртмоқдан, гарданига юкланган тухматлардан, афсуски, ҳеч ким қутқариб қола билмади. Қодирий шахидлар силкига тизилди.

Ижод аҳли томонидан тўқилган номлар, яратилган образлар “мен”лик олами ифодасига хизмат қилади. Поэтик кўчим, образли тафаккур тарзи шуни тақазо қилади. Кўп ҳолларда ижодкорлар асарлари мазмун-моҳиятида ўз дарду дунёси акс этганини очиқ эътироф ҳам қилади. Шоир Абдулла Ориповдан “Отелло”, “Алишер Навоий”, “Аллома” каби шеърларининг юзага келиш тарихи тўғрисида шундай фикрларни айтади: “Бу шеърлар, албатта, аниқ тарихий саналар билан боғлиқ. Лекин уларнинг заминида менинг ҳаётга муносабатим бор. Бу туйғулар кишининг юрагида доимо яшаб, муайян бир туртки сабабли шеърга ўтган, холос”²⁶.

Хуллас, биографик метод тарихини, намояндаларини, имкониятларини, дунё адабиётшунослигидаги ютуқлари ҳамда тажрибаларини чуқур ўрганиш бадий асарларни ўзига хос тарзда тушуниш ва тушунтириш учун амалиётда қўллаш, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради.

Биографик, психологик ва психоаналитик методларнинг талқин имкониятлари катта. Ижодкор ҳаётидаги маълум бир воқеа-ҳодисалар унинг ёзган асарларида қайсидир тарзда ўз аксини топади. Психологик методнинг ўзига хос хусусияти энг аввало, психология фани билан боғлиқ бўлади²⁷.

Бу методда нафақат бадий асар қаҳрамонлари руҳияти, психологияси, балки муаллиф руҳиятини ҳам қиёсий ўрганиш жоиз бўлади. Психоаналитик

²⁵Қодирий Х. Отам ҳақида. -Т., 1983.113-бет.

²⁶Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди. -Т., 1988. 124-125-бетлар.

²⁷ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992. P.42

ва феноменологик методларнинг инсон руҳияти билан боғлиқ.

Назорат саволлари:

1. Биографик ва психологик методларнинг энг асосий фарқли қирралари нима?
2. Психоаналитик методнинг илмий-назарий асослари тўғрисида маълумот беринг.
3. Ўзбек адабиётшунослигида муаллифни ўрганиш йўлида ёзилган асарлар қайсилар?
4. Адабиётшуносликда бадиий асар моҳиятини оидинлаштиришга қайси усуллар кўпроқ фойда беради?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Ислон Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. - Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. - М.: “Прогресс”, 1989.
4. Каримов Б. “Адабиётшунослик методологияси”. -Т.: “Мухаррир”, 2011.
5. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: «Фан», 2006.
6. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. - Т.: “Академнашр”, 2011.
7. Қуроноу Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т.: “Фан”, 2008.
8. “Ўзбек адабий танқиди” Антология. -Т., “Turon-Iqbol”. 2011.
9. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992

4-мавзу: Адабий контекст ва шаклга доир методларнинг асосий тамойиллари

РЕЖА

1. Социологик ва формал методлар моҳияти;
2. Формал методнинг тадқиқот тамойиллари;
3. Формал метод намояндалари;
4. Бадиий санъатлар ва формал метод хусусида.

Таянч сўз ва иборалар:

рус формалистлари, формализм, формал мактаб, социологик, вульгар, ОПОЯЗ, МЛК, шаклбозлик, сўз ижодкорлиги, лафзий санъатлар, структуралпоэтика.

Маъруза баёни:

Бадиий асар матни талқинда етакчи саналади. Адабий контекст ва бадиий асарнинг шаклини тадқиқ этадиган методларнинг илмий-назарий асосларини, асосий намояндалари ҳамда таҳлил тамойилларини ўрганиш долзарб саналади. Шу билан бирга ўзбек адабиётшунослигидаги айна методлар билан ёзилган илмий тадқиқотларга эътибор бериш зарур.

Адабиётшунослик илмида баъзан «формализм», «формал мактаб», «формал метод» каби атамалар ишлатилади. Бу тушунчаларнинг ўзига хос тарихи, адабий-назарий тамойиллари, асосчи-вакиллари, давомчи-намояндалари мавжуд. 20-йиллар рус адабиётшунослигида «формал мактаб» номини олган йўналиш ва шу мактаб олимлари ёзган тадқиқотлар формал методнинг бир намунасидир.

Адабиётшуносликдаги формал метод бадиий, шаклий-композицион унсурларга энг муҳим назарий-эстетик категория сифатида қарайди. Бадиий адабиётнинг индивидуал хусусияти шаклда ўз ифодасини топади, деган фикрни илгари суради²⁸.

Формал метод вакиллари томонидан 20-йилларда структурал поэтика, информация назарияси, белгилар назарияси каби масалалар муҳим ҳисобланган бўлса, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан бадиий адабиётга адабиёт оламидаги тизим сифатида қараш, бора-бора шакл ва мазмун бирлигини ифодаладиган универсал илмий метод ҳолатига келади.

Ғарбий Европада адабиёти ва санъатда формализм унсирлари, хусусан,

²⁸ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992. P.45

немис ва француз шоирлари ижодида кўзга ташланади. Улар учта нуқтага – конструкция тамойилларига, шаклга ҳамда “санъат тарихи исмсиз бўлсин” шиорига алоҳида эътибор беради. Санъат тарихи исмсиз бўлсин” шиорини немис олими Г. Вельфлин ўртага ташлайди (“Kunstgeschichte ohne Namen” - “История искусств без имен”)²⁹. “Kunstgeschichte ohne Namen” тамойили кейинчалик француз структуралисти Р. Барт асарларида “муаллиф ўлими” (“смерть автора”) тарзида намоён бўлди.

Форма мактаб вакиллари математик аниқликларни яхши кўрганлар. Масалан бадиий образни ҳам муайян қолипларга солиш уларга хос бир хусусият, аммо бадиий образ кўп қиррали, кўпўлчамли, кўп маъноли ҳодиса. Уни аниқ рақамлар ёки формула билан ифодалаш қийин (А.С. Бушмин). Бадиий асарни ўрганишда математик аниқликларга яқинлашиб боришда баъзан адабий ҳақиқатларидан, хаёл кенгликларидан узоклашиш хавфини туғдиради. Бу ҳол физикадаги вақт ва иш қонуни пропорциясини эслатади.

Ўз вақтида ва кейинчалик ҳам формал мактаб ва формал метод танқидга ҳам учради. Айрим адабиётшунослик луғатларида: “Формал мактаб бадиий ижодни ўрганишда, асосан реализм ва марксистик принципларига қарши эди” даган танқидлар ёки “Формал мактаб вакиллари кўпроқ бадиий тил, турли сўз ўйинлари, эпитетлар, кўчим, синтактик шаклларни тадқиқ этишга катта аҳамият бердилар... Бадиий асар композициясида эса, улар нутқ парчаларининг жойлашиши, параллел ҳодисалар, синтактик параллелизмлар ҳамда такрорларни назарда тутадилар”³⁰ тарзидаги нисбатан холис фикрлар ҳам айтилади. Булардан формал методнинг аҳамиятини, бадиий асарнинг шаклий жиҳатларини тадқиқ этишда муайян даражада муваффақият қозонганини англаш қийин эмас.

Зотан, рус формал мактаби намояндалари, формал метод тарафдорлари, энг аввало, бадиий адабиётни сиёсат кўғирчоғига айлантиришга, уни жўнлаштиришга, синфийлик, партиявийлик сингари қолипларга солишга қарши турдилар. XX аср рус адабиётшунослигининг ўзига хос мактаб яратган улкан олимлари айнан формал метод муаммолари олаmidан ўсиб чиқдилар. Шунингдек, рус адабиётшунослигидаги формал метод XX асрнинг 50-60-йилларда Ғарбий Европа адабиётшунослигида социологик методидан қоникмаслик туфайли майдонга келган “янги танқид”, структурализм оқимларига муайян даражада таъсирини ўтказди³¹.

Формал метод ўз вақтида танқид ҳам қилинди. Структурал-анализ методининг асослари ва намояндалари ҳозирги даврда етакчи ўринга чиқгани сезилади.

Зотан, рус формал мактаби намояндалари, формал метод тарафдорлари, энг аввало, бадиий адабиётни сиёсат кўғирчоғига айлантиришга, уни жўнлаштиришга, синфийлик, партиявийлик сингари қолипларга солишга қарши турдилар. XX аср рус адабиётшунослигининг

²⁹ Медведев П. В лаборатории писателя. –М., 1971.

³⁰ Ҳотамов Н., Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1983. 345-346-бетлар.

³¹ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992. P.51

ўзига хос мактаб яратган улкан олимлари айнан формал метод муаммолари олаmidан ўсиб чиқдилар. Шунингдек, рус адабиётшунослигидаги формал метод XX асрнинг 50-60-йилларда Ғарбий Европа адабиётшунослигида социологик методидан қоникмаслик туфайли майдонга келган “янги танқид”, структурализм оқимларига муайян даражада таъсирини ўтказди³².

Адабиётшуносликдаги мазкур йўналиш қайси замонда, қай тарзда танқид этилмасин бари-бир бу мактаб вакиллари бадиий адабиётнинг асл моҳиятига, поэтикага, услубга, тилга, сўзга асосий диққатни қаратиб, бадиий шаклнинг микроанализига киришган эдилар.

Аслида, рус формалист шоирларнинг “сўз ижодкорлиги”, ўз асарларида шаклга жиддий эътибор беришлари бу типдаги ижод намуналарига формал жиҳатдан ёндашув заруратини юзага келтирган эди. Масалан, ўша даврнинг машҳур шоири Велимир Хлебников (1885-1922) “смех” сўзи ўзагидан турли сўз шакллари ясаб, ўзига хос шеър ёзади:

“О, рассмейтесь, смехачи!
О, засмейтесь, смехачи!
Что смеются смехами, что смеяются смеяльно,
О, засмейтесь усмеяльно!..
О, рассмеших надсмеяльных – смех усмейных
смехачей!...” (Велимир Хлебников).

Табиийки, формали мактаби олимлари ритм, аллелерация, оҳангдорлиги ва бадиий тилнинг бошқа таъсирчанлигига доир бундай тажрибаларга бефарқ қараган эмаслар. Бадиий тил, унинг товуш таркиби, грамматик қурилиши, ўзаклар алоқаси – буларнинг бари В.Хлебников учун тил “сири”ни очишда ўзига хос “қалит”га айланган (И.Виноградов). Формал метод намояндалари ҳар доим бадиий матнга нисбатан “бу мант қай тарзда қурилган” деган савол билан ёндашганлар. Эҳтимол, формал метод тарафдорлари буни ягона ва энг тўғри метод тарзида баҳолаб, субъективизмга йўл қўйган бўлишлари мумкин. Аммо улар бадиий адабиётни шаклий-структурал жиҳатдан талқин этишда муайян хизмат этганлари тарихий факт. Буни ҳеч ким инкор қилмайди.

Шарқ мумтоз адабиётда ҳам бадиий асарнинг шаклий қирраларига эътибор бериш, шаклга асосланиб асарлар ёзиш анъанаси мавжуд, албатта. Хитой иероглифлари шаклига кўра поэтик образни ифода қилади. “Иероглифлар белги эмас, балки нарсанинг онгдаги изидир”(А.Генис). Битта белги – аниқ бир образ. Шунингдек, араб ёзувига асосланган эски ўзбек имлосида ҳарфлардан образлар пайдо қилиш, “ҳарф ўйин”лари асосида гўзал шеърӣ мисралар ёзиш ҳолатлари кўп учрайди. Шундай мумтоз бадиият имкониятларини назарда тутган Абдулла Орипов “Бу кун” радибли газалида афсус билан ёзади:

“Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун”³³.

Зотан, мумтоз поэтикадаги лафзий санъатлардан айримлари бевосита

³² Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992. P.54

³³ Орипов А. Йиллар армони. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. 199-бет.

шакл асосига қурилади. Сўз таркибидаги биргина ҳарф тушиб қолса, маъно мутлақо ўзгариб кетади; битта нуктада хато қилинса, “кўз” “кўр” бўлиши мумкин.

“Қалам ўлсун али ул котиби бад таҳриринг-
Ки, фасоди рақам сўзимизни шўр айлар.

Гоҳ бир ҳарф сукутила қилур **нодирни нор**,

Гоҳ бир нукта қусурила **кўзи кўр** айлар” (Фузулий).

Мумтоз адабиётдаги “алиф”ни тик қоматга, “дол”ни эгилган қоматга, “мим”ни оғизга “син”ни тишга ўхшатилишида шаклий унсур устуворлик қилади.

“Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонининг қуйидаги байтида чиройли мусахҳаф (ҳарфий хато қилиш санъати–Б.К.) қўллаган:

“Гар **имон** элга раҳматдин нишондур,

Ва лекин чун алифсиздур **ёмондур**”.

Дарҳақиқат, араб ёзувидаги “имон” сўзидан “алиф” олиб қўйилса, сўз “ёмон” тарзида ўқилади”³⁴.

Албатта шарқ адабиётидаги бундай шаклий унсурларга, мувашшах, тарих, муаммо жанрларига формал методнинг илмий-назарий тамойиллари билан ёндашилса, яхши натижалар бериши, шу типдаги асарларнинг мазмун-моҳияти англаниши осон кечиши мумкин.

XX асрнинг 20-йилларидаги Абдурауф Фитрат, Вадуд Маҳмуд мақолаларида формал мактаб намояндалари назарий қарашларидан таъсирланиш омиллари сезилади. Ўзбек адабиётшунослари XX асрда мазмун ва шаклга бирдай эътибор бериб, бадий асарнинг ғоявий-бадий хусусиятларини тушунтирдилар. Бунда адабиётшуносликда мавжуд методлар имкон доирасида қўлланди. 30-йилларда ўзбек адабиётида кўзга ташланган юзаки шаклбозлик ҳодисасига, футуристик тажрибаларга танқидий муносабат ҳам билдирилди (Абдулла Қодирий, Ойбек, Р.Мажидий).

XXI аср “ўзбек модернист” шоирларнинг изланишлари рус формалистларининг тажрибларини эсга солади. Хат боши ёки тиниш белгиларига эътибор бермаслик, қофия ва вазнда эркин бўлиш, турли геометрик белгиларни сўзлар билан ёнма-ён қўйиш – буларнинг барчаси кенг маънода шаклдаги ўзгаришлардир. Бу каби тажрибаларга семиотик усулда, формал ёки структурал анализ методлари асосида ёндашув ўз самараларини беради. Шоирлар ўзбек миллий поэтик тафаккури табиатидан келиб чиқиб оригиналликка интилаётган экан, адабиётшунос олимлар ҳам дунё олимларининг адабий-назарий қарашлардан бохабар бўлган ҳолда ўша янги ҳодисаларни муносиб ўзбекона илмий истилоҳлар билан аташлари, улар талқинига мос методлар кашф этишлари лозим бўлади. Акс ҳолда эргашувчанлик, тақлид, кўчирмасуярлик, иқтибоспарастлик ўзбек

³⁴ Раҳмонов В. Шеърини санъатлар. –Т.: Ёзувчи, 2001. 65-бет.

адабиётшуносларининг жаҳонга чиқиш орзуларига халақит бериши мумкин.

XX аср ўзбек адабиётшуносларнинг катта бир авлоди ўз илмий-ижодий фаолиятида бошқа усуллар қаторида маданий-тарихий мактаб намояндalари асарларидан, социологик методнинг бадиий асарга ёндашув тамойилларидан унумли фойдаланди.

Социологик методда ижтимоийлик, биографик методда автор шахсияти устунлик қилса, структурал методда асосий эътибор асарнинг нисбатан мустақиллиги ва ички анализга қаратилади. Шу боис адабиётшунослигида “имманент анализ”, “микроанализ”, “матн талқини”, “семиотик таҳлил” сингари тушунчалар бевосита бадиий асарнинг ички имкониятларини намоён қилиш жараёнида қўлланади. Дунё адабиётшуносларининг таркибий қисмига айланган структурал методдан янги давр ўзбек адабиётшунослари муносиб асарлар таҳлили учун ўринли фойдаланса, ўз қарашлари билан уни бойитса, албатта, бугунги миллий адабий-назарий тафаккур миқёси, методик ва методологик имкониятлари кенгаяди³⁵.

Назорат саволлари:

1. Социологик метод асосчиси ким?
2. Формал метод билан шарқ адабиётшунослиги орасида қандай боғланиш бор?
3. Адабий контекст ва бадиий асар шаклига тегишли яна қандай методларни биласиз?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ислom Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Ислom Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., “Ўзбекистон”. 2009.
3. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М. 1989.
4. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М. 1986.
5. Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв.-М.. 1998.
6. Каримов Б. “Адабиётшунослик методологияси”. Т. “Мухаррир” нашриёти. 2011.
7. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. «Фан», 2006.
8. Розенталь М. Против вульгарной социологии в литературной теории. – М. 1936.
9. Сакулин П.Н. “Социологический метод в литературведении”// Фукурология и культурология. М.1999.
10. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент. “Академнашр”. 2011.
11. “Ўзбек адабий танқиди” Антология. -Т., “Turon-Iqbol”. 2011.

³⁵ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992. P.57

5-мавзу: Замонавий ўзбек адабиётшунослигига хос етакчи тамойиллар

РЕЖА

1. *Ижтимоий ҳаёт ва адабиётшунослик илми;*
2. *Бадиий тафаккурдаги ўзига хос янгилиниш жараёнлари;*
3. *Адабий-назарий тафаккурдаги ўзгаришлар;*
5. *Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигидаги мавжуд методлар;*

Таянч сўз ва иборалар:

Замонавий адабиёт, мустақиллик, мустақиллик даври адабиётшунослиги, адабиётшунослик асоси, тамойил, таҳлил, метод, методология, ижодий муҳит, истеъдод қадри,

Маъруза баёни:

Ҳар қандай таълим тизими даврга боғлиниши лозим. Ўзбек адабиётшунослари дунё адабиётшунослигидаги турли адабий назарияларни, бадиий асарга ёндашув усуллари, метод ва методологияларни ўргангандан кейин ўз даври ва муҳитига назар ташлашлари зарур бўлади. Мазур мавзу ўқитилишида замонавий адабиётшуносликда кечаётган янгилиниш жараёнлари ва мавжуд муаммоларга алоҳида урғу берилади.

Мустақиллик йилларидаги ўзбек адабиётининг ҳолига назар ташлаш зарур. Нашр қилинаётган янги насрий, назмий, адабий-танқидий асарларнинг адабий жараён ва адабиёт тарихидаги ўрни масаласи муҳокама учун мавзу бўлади. Маърузада замонавий ўзбек адабиётшунослигидаги етакчи тамойилларга эътибор қаратилади. Ўзбек адабиётшунос олимларининг китоблари методлар нуқтаи назаридан аналиш зилинади. Зотан метод муайян танланган илмий-тадқиқот йўли бўлиб, ҳозирги давр ўзбек адабиёти намуналарини таҳлил этишга ёрдам бериши лозим. Объектга ёндашувнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик усуллари тушунчасини ойдинлаштириш зарур. Объектга тарихий, миллий, умуминсоний, мустақиллик ғояси нуқтаи назаридан ёндашув масалаларини муҳокама этиш керак.

Янги асрдаги “ўзбек модернист” шоирларнинг изланишлари рус формалистларининг тажрибларини эсга солади. Хат боши ёки тиниш

белгиларига эътибор бермаслик, қофия ва вазнда эркин бўлиш, турли геометрик белгиларни сўзлар билан ёнма-ён қўйиш – буларнинг барчаси кенг маънода шаклдаги ўзгаришлардир. Бу каби тажрибаларга семиотик усулда, формал ёки структурал анализ методлари асосида ёндашув ўз самараларини беради. Шоирлар ўзбек миллий поэтик тафаккури табиатидан келиб чиқиб оригиналликка интилаётган экан, адабиётшунос олимлар ҳам дунё олимларининг адабий-назарий қарашлардан бохабар бўлган ҳолда ўша янги ходисаларни муносиб ўзбекона илмий истилоҳлар билан аташлари, улар талқинига мос методлар кашф этишлари лозим бўлади. Акс ҳолда эргашувчанлик, тақлид, кўчирмасуярлик, иқтибоспарастлик ўзбек адабиётшуносларининг жаҳонга чиқиш орзуларига халақит бериши мумкин.

Замонавий ўзбек адабиётшунослигида қиёсий-тарихий йўналишда бир қатор эътиборга молик тадқиқотлар юзага келди. Уларда ўзбек адабиёти минтақадаги қардош халқлар адабиёти намуналари билан қиёсий ўрганилиб, бир қатор назарий умумлашмалар чиқарилган.

Қиёсий-тарихий методда ёзилган ўзбек адабиётшуносларининг тадқиқотларида миллий адабиётимизни дунё адабиёти дурдоналари билан таққослаш, ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кузатиш ҳамда таъсирланув омилларини кўрсатиш ҳолатлари кўзга ташланади.

Умуман олганда, қиёсий адабиётшунослик ҳар бир миллий адабиётни жаҳон адабиётининг ажралмас таркибий қисми сифатида кўради ва таҳлил этади. Бу эса, ўз навбатида, муйян бир адабиётни жаҳон адабиёти тарихида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга³⁶.

Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг турли авлодига мансуб олимлари ўзларининг илмий мақолалари, тадқиқот ва монографияларида психологик метод тамойилларига, психологик тасвир воситаларига, ижодкор психологияси ва, умуман, психоанализга эътибор беришди. Шу билан бирга, айрим адабиётшунослар, мунаққидлар ижодида бошқа тадқиқот усуллари билан биргаликда айна методдан ўрни-ўрни билан фойдаланиш ҳолатлари кузатилади.

Замонавий ўзбек адабиётшунослигида герменевтиканинг тутган ўрни ва ишланиш доираси, албатта, қониқарли эмас. Жаҳон адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги бадиий асар матнини тушуниш, тушунтириш ва талқин қилишда муайян принципларга амал қилади. Герменевтика асосида иш кўрилганда матн моҳияти сохталаштирилиб, қандайдир ўткинчи мафкуравий манфаатларга қурбон қилинмайди. Бадиий асарни ҳар ким ўзича, ўз дунёқарашига мос билими ва ҳаётий тажрибаси даражасида тушунади, ҳис этади. Асарда йўқ нарса изланмайди, бор нарса беркитилмайди. Лозим ўринда бутун диққат-эътибор аниқ бир муаммога қаратилади.

Герменевтикада бадиий асарнинг кўпмаънолилиги муҳим. Бундай асарни турлича тушуниш ва тушунтириш имкони бўлади. Бундай асар, эҳтимол, бири-бирига ўхшамайдиган талқин типларини майдонга келтиради. Кўпмаъноли бадиий асарнинг муаллиф позициясини топиш қийин бўлади.

³⁶ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992. P.60

Р.Барт таъбири билан айтганда “муаллиф ўлган” саналади. Ҳаммага тушунарли бўлган битта маънога эга асарлар герменевтик таълимот учун қизиқарли эмас.

Герменевтик усул олимга матнни талқин этишнинг назарий-методологик усулларини кўрсатади. Бадиий матндаги қаҳрамонларни талқин этаётганда, лозим бўлса, адабиётшунос уларни ўз шахсияти билан таққослайди - идентификациядан кенг фойдаланади. Герменевтик доира воситасида матннинг «ичига кириши», қисмларга ажаратиши ва қайта жамлаб хулосалар чиқариши мумкин бўлади.

Бу таълимотининг қатор афзалликлари борлиги шубҳасиздир. Аммо ҳақиқатни кашф этишнинг ягона йўли ҳам эмас.

Аслида бугун ўзбек адабиётшунослиги жаҳон илм-фанидаги энг илғор назарий-фалсафий мезонлардан истеъфода этиб, Ғарб ва Шарқ адабиётшунослигини синтезлаштириб, ўзига хос фундаментал йўлга чиқиши учун имконият пайдо бўлди.

Назорат саволлари:

1. Замонавий ўзбек адабиётидаги энг фаол ижодкорлар кимлар?
2. Мустақиллик даври адабиётига қандай методлар билан ёндашиш лозим?
3. Бугунги адабиётнинг қайси жиҳатларига танқидий нуқтаи назарда қараш керак бўлади?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
2. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Ислон Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., “Ўзбекистон”. 2009.
4. Abduylla Sher. Estetika. –Т. “O’zbekiston”, 2014.
5. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. –Т., Янги аср авлоди. 2004.
6. Болтабоев Ҳ., Махмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. –Т. “Mumtoz so’z”, 2013.
7. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М. 1989.
8. Каримов Б. “Адабиётшунослик методологияси”. Т. “Муҳаррир” нашриёти. 2011.
9. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т. “Akademnashr”. 2014.
- 10.Норматов У. Ижод сеҳри. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.
- 11.Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. «Шарқ» нашриёти. 2004.
- 12.Қурононов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т: “Фан”, 2008.
- 13.“Ўзбек адабий танқиди” Антология. -Т., “Turon-Iqbol”. 2011.

6-мавзу. Адабиёт музейлари ва ижодий ташкилотлар фаолияти билан ташиниш

Тингловчилар билан кўчма машғулот Тошкент шаҳрида жойлашган Адабиёт музейи, Шаҳидлар хотираси музейи, Абдулла Қаҳҳор уй-музейи, Ойбек уй-музейи, Ғафур Ғулом уй-музейларида, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси таҳририяларида таниқли олимлар, ижодкорлар билан суҳбат тарзида ташкил этилади.

Кўчма машғулот ўтказиладиган музейлар ва ижодий ташкилотлар:

1. Адабиёт музейи;
2. Шаҳидлар хотираси музейи;
3. Абдулла Қаҳҳор уй-музейи;
4. Ойбек уй-музейи;
5. Ғафур Ғулом уй-музейи;
6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси. Манзили: Ўзбекистон шоҳ кўчаси 16 “а” уй. Тел: 227-08-27
7. “Шарқ юлдузи” журнали таҳририяси. Манзили: Ўзбекистон шоҳ кўчаси 16 “а” уй. 227-00-81.
8. “Ёшлик” журнали таҳририяси. Манзили: Тошкент. Ўзбекистон шоҳ кўчаси 16 “а” уй. Тел: 227-0-227
9. “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририяси. Манзили: Тошкент. Навоий кўчаси, 30. тел: 244-41-60.
10. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси таҳририяси. Манзили: Тошкент Матбуотчилар, 32. тел: 233-52-91

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Ислон Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Ислон Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., “Ўзбекистон”. 2009.
4. Abduylla Sher. Estetika. –Т. “O’zbekiston”, 2014.
5. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. –Т., “Янги аср авлоди”. 2004.
6. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. -М.: “Прогресс”, 1989.
7. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т. “Akademnashr”. 2014.
8. Норматов У. Ижод сеҳри. –Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси”, 2007.

9. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: «Фан», 2006.
10. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. -Т.: “Академнашр”, 2011.
11. Sultonov I. Adabiyot nazariyasi -Т., “O’qituvchi”, 2005.
12. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. “Шарқ” нашриёти. 2004.
13. Шарқ мумтоз поэтикаси (Ҳ.Болтабоев талқинида). -Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008.
14. Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: “Маънавият”, 2002.
15. Қуронон Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т.: “Фан”, 2008.
16. “Ўзбек адабий танқиди” Антология. -Т., “Turon-Iqbol”, 2011.
17. Эшонкул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. –Т.: “Фан”, 2011.
18. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. –Stuttgart.: “Grotesk”. 1992

Назарий мавзулар бўйича умумий саволлари:

1. Ижодий метод билан адабиётшунослик методларининг қандай фарқи бор?
2. Ижодий метод турлари нима?
3. Адабиётшунослик методлари ва дунёқараш масаласи фарқлаб беринг;
4. Адабиётшунослик методологияси ва методларининг фарқи нимада?
5. Дунё илм-фанида адабиётшунослик учун методологик асос бўладиган қандай илмий йўналишлар мавжуд?
6. Биографик методни изоҳланг;
7. Биографик асоси нима?
8. Ижодий жараён ва ижод психологияси алоқаси қандай?
9. Ижодкор ва унинг дунёқараш масаласи тушунтиринг;
10. Бадиий адабиётда миллийлик ва умуминсонийлик нима?
11. Мазмун ва шакл уйғунлиги масаласини изоҳланг?
12. Адабиётшуносликдаги вульгар-социологизм нима?
13. Бадиий асар мавзуси ва ижодкор дунёқарашини изоҳланг;
14. Биографик метод тамойиллари нималардан иборат?;
15. Биографик метод асосида ёзилган қандай асарларни биласиз?
16. Социологик метод нима?
17. Социологик метод вакиллари кимлар?
18. Социологик методнинг фалсафий асосини нима?
19. Дунё ва ўзбек адабиётшунослари томонидан социологик метод асосида ёзилган илмий асарлардан қайсиларини биласиз?
20. Социологик метод ва дунё адабиётшунослиги.
21. Вульгар социологизм моҳияти.
22. Образ ва образлилик тушунчалари қандай фарқланади?

23. Инъикос назариясининг санъат учун аҳамияти қандай?
24. Типиклаштириш ва индивидуаллаштириш адабиётнинг муҳим шарти сифатида.
25. Формализм хусусида.
26. Формал метод моҳияти.
27. Рус формалистлари.
28. Рус формал мактаби.
29. Лингвистик метод.
30. Психолингвистика хусусида.
31. Психологик метод.
32. Психология ва адабиётшунослик.
33. Бадиий асарнинг психоаналитик талқини нима?
34. Психопозитивнинг назарий асоси.
35. Структурал метод.
36. Структурал метод имкониятлари.
37. Биографик метод моҳияти тушунтириш.
38. Методология, метод, усул ва услуб тушунчаларини фарқланг.
39. Ғарб ва Шарқ классицизми ва мимесис назарияси
40. Ўзбек адабиёти ва биографик метод масаласини тушунтириш.
41. Структурал поэтиканинг моҳияти.
42. Ўзбек адабиётшунослигида структурал метод .
43. Бадиий асарни комплекс анализ қилиш масаласи тушунтириш

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Бадиий асарга социологик ёндашув

Социологик ёндашувга хос бўлган талқин тамойилларининг тизими, ушбу методнинг бадиий асарга ёндашувидаги ўзига хос моделлари; социологик метод ва ижтимоий ҳаёт параллелизми. Социологик методнинг асосчилари, тарихи ва ўзбек адабиётшунослигидаги намояндалари. Қуйидаги ҳикояни социологик нуқтаи назардан таҳлил қилинг:

Назар Эшонқул

Маймун етқаланган одам

Бу воқеа уч йиллар олдин бўлган эди. Шу кўчадан бир уйни ижарага олиб кўчиб келганимда чолнинг шарти кетиб, парти қолганди, у кўчанинг муюлишида мен эгаллаган уйга кўшни ҳовлида яшарди. Уни биринчи марта уйининг олдидаги эски ўриндикда чуқур ўйга толган ҳолда кўрган эдим. У қобоклари солиқ, соқоли қирилмаган, бир пайтлар семиз бўлган, ажинлар тарам-тарам қилиб ташлаган, кўримсиз юзи баджаҳл маъбудларнинг хайкалига ўхшаб кетар, унга қараган одамнинг юраги нохуш бир ҳисдан орқага тортар эди. Кўзлари хиссиз ва ифодасиз, эгнида эллигинчи йилларнинг андозасида тикилган анча салобатли кител, бақбақаси осилиб турган ҳолда ўйчан ўтирарди. Машинадан китобларни катта этакда ташиб киритаётганимда - гўё атрофидаги оламдан энди ҳеч қандай илтифот кутмай кўйгандек, ҳеч нарсанинг қизиғи қолмагандек менга эътиборсиз бир кўз ташладида, сўнг яна ўша ҳолатида ерга қараб ўтираверди.

Бир неча кундан сўнг уй бекасидан бу чолнинг бир пайтлар тузуккина рассом бўлганини ва ҳозир ҳам сурат чизиб туришини эшитиб, ҳайрон қолдим. Уни ҳаётда омади чопмаган бирон амалдор бўлса керак, деб тахмин қилгандим. Кейинчалик чолни тез-тез ўша кителида гўё неча қадам умри қолганини ўлчаб юргандек оғир қадамлар билан уйига ёки кўча бошидаги озиқ-овқатлар дўконига қараб кетаётганини, гоҳида эса маҳалла ошхонасида овқатни титраб-қақшаб еб ўтирганини, қобоклари остида одамларга адоват билан тикилиб-тикилиб кўйганини кўриб қолардим. Захарли ... одамни бўғиб, ҳолдан қилиб қўядиган бу адоват менга ўшанда унинг бутун танасидан, бутун вужудидан, қоқшол бўлиб қолган барча қон томирларидан ҳамда чакалақдор ичидаги тилсимли кўрғон каби номаълум бўлган умр қалъасидан уфураётгандек туюлганди. Уни кўрсам негадир юрагим ғаш тортадиган, кўнглим беҳузур бўладиган, кайфиятим бузиладиган бўлиб қолганди, ваҳоланки, ҳали у билан салом-алиқдан нарига ўтмагандик. Менга, аввало, унинг турқи ёқмасди: ночор ҳолига қарамай одамларга кибр аралаш димоғ-фироғ билан қарар, ҳаммага ётсираб, шубҳа билан тикилар, гўё ўзини бир умр ҳар бир кишига шундай тикилиб ўтгандек тутар эди. Бир куни уй бекаси мендан чолга кечки овқат чиқариб беришни илтимос қилиб қолди. Чолнинг совуқ юзини эсладим у истҳола қилдим; бироқ йўқ дея олмадим. Эски услубда қурилган, тор табақали эшидан ичкарига кирдим: чол катта

айвонда ўтирганча олдида Чолнинг уйи ҳашаматли, кенг, лекин тошлар тилган майдондай ҳувиллаб ётарди. Устун ва ромлари чириган, умуман ҳовлидан чиркин ва бадбўй хид келарди. Чиркин хид дарахтлардан, қор остида қолиб қаровсизликдан хазонликка юз тутган гулзордан, уйнинг ёғочларидан ва айвонда қалашиб ётган ҳар хил расмлар уюмидан ккелаётган эди: шалтоқ хид эса ахлат солинадиган ундуқадан келарди. Хаёлимга бирдан бу ундуқадаги ахлатларни чол умр бўйи сақлаб келган бўлса керак деган фикр келиб қолди. Ҳиддан кўнглим айнигудай бўлиб чол ўтирган айвонга йўл олдим. Чол менга эътибор ҳам бермади, ажабсиниб бир қараб қўйдию, ўз ишини давом эттираверди; у қандайдир бўёғи кўп сурат чизаётган эди. Нарироқда турган кичкина хонтахтани келтириб чолнинг олдига қўйдим: у шунда ҳам эътибор бермади, у ўзига овқат келтириб беришларига кўникиб қолган эди, шекилли. Шунда унинг қўллари қалтираб, бўёқларни чаплаб юбораётганини сезиб қолдим. Чолнинг олдига овқатни ҳам қўйганимдан сўнг, у чизишдан тўхтаб, хонтахтага ўгирилди ва бўёқли қўллари билан нонни бемалол синдирди, оғзига тутди; ёрилиб қолган лаблари орасидан чириган кўм-кўк тишлари кўринди. Шунда мен яна унинг қандадир баджаҳл маъбуднинг ҳайкалига жуда ўхшаб кетишини ҳис қилдим. У бу ердалигимни ҳам унутгандай, хуриллатиб, имиллаб, чолларга хос ланжлик билан овқатланар ва оғзининг икки четидан лағмоннинг суюғи яна косага оқиб тушар, боши қалт-қалт титрар, бўйинларида тиришиб қолган томирлар у ютинганда бўртиб, кўкариб кетар, кўзлари ҳорғин ёшланиб турар, ҳар дам-ҳар дамда қанжарини ўнг қўли билан қаширди. Бу унга одат эди чоғи - қаншари турли бўёқларга белинб қолганди. қўллари қошиқги мадорсизлик билан кўтараркан, унинг шу сонияда яна ҳам ифодасиз тусга кирган юзига қараб, овқатни ҳам эплаб ичолмайдиган асабий ва рўдапо чолнинг рассом эканлигига сираям ишонгим келмасди.

- Суратларингизни кўрсам бўладими? Йигирманчи йиллардаги суратларингизни? Деб сўрадим мен унга шубҳамни билдирмасликка тиришиб. Чол бамайлихотир кавшанди-да, менга қарамасдан, ўзига бунинг алоқаси йўқдай, гўё бир уюм ахлатни кўрсатаётгандай, ижирғаниб, қўли билан айвоннинг тўрини кўрсатди. Ҳаммаси тартиб билан териб қўйилган, ва у томондан бошланади, - деди ҳиркироқ товушда унинг товуши ҳам шунчалик совуқ эдики, беихтиёр эгим жунжикиб кетди; индамай айвоннинг тўрига қараб йўл олдим.

Чолнинг йигирманчи йиллардаги суратларини шу кўчадаги бир-иккита санъатдан хабардор кишилар мақташганди; музейда ишлайдиган ёртоғим ҳам чолнинг суратлари кўргазмага қўйилганини айтганди. Чол йигирманчи йилларда комсомол бўлган ва босмачиларга қарши курашган, янги ҳаёт куришда фаол иштирок этган дейишганди. Йигирманчи йилларнинг шиддатли шамоли уни юксак парвозларга кўтарган; ўттизинчи йилларда масъул вазифаларда ишлаган, деб ҳикоя қилишган. У ўша амалида токи пенсияга чиқариб юборишгунларича узоқ йиллар ишлаган экан. Кўчадагилар унинг ўша давр фаолиятини мишмишлар билан қўшиб-атиб ҳикоя қилишарди. Чол ишдан кетгач, мана шу эски уйга қамалиб олган, ҳеч кимга

қўшилмайди, бир вақтлар ўзи озор берган кишиларни кўргиси келмайди, дейишарди. Чолнинг хотини эллигинчи йилларнинг охирида ўлиб кетган, фақат истараси ўзиникидан ҳам совуқ ёлғиз ўғли бор эди. Ўғли қиморбоз, авваллари киссавур бўлган дейишади, кейин қотиллик қилгани учун қамалиб кетган, энди эса қиморнинг орқасидан кун кўрар экан. У жуда жиззаки йигит эди. Уни икки марта кўчада кўргандим. Айтишларича, у шаҳарнинг чеккасида бир бева билан бирга турар ва ойда-йилда отасига бир кўриниш берар, шунда ҳам ҳар доим жанжал билан жўнаб кетар эди. У чолнинг олдига кўпинча бирдан-бир иш учун - пул сўраб келар, агар топиб бермаса, ғовға кўтарар, ҳатто икки марта отасини уриб кетган, деб айтишарди. Кўплар «чолнинг пули бор, лекин ҳеч кимга, ҳатто ўғлига ҳам кўзи қиймайди, жуда хасис», дейишарди. Ким билади, ўғли ҳам отаси ҳақида шундай ўйласа керак; у отасини заррача ҳурмат қилмасди. Унинг овозини кўчадан ўтиб бораётиб эшитиб қолгандим. «Ҳеч нарсангни бермайман - деб бақирарди у қандайдир қиринди товушда, - агар топиб бермасангиз, сизга кўшиб уйга ҳам ўт кўяман». Сўнг тарақа-туруқлар, ихрашлар, чолнинг нимадир деб сўкингани эшитилди. Кечқурун уй бекаси ўғли чолни яна уриб кетганини айтди. Чолнинг йигирманчи йиллардаги суратига жуда қизиқардим, умуман чолга қараб туриб қизиқишим яна ҳам ортганди.

Чолнинг айвони - унга устахона вазифасини ўтаса керак - олди ойнали, ёзда деразаларини ланг очиб салқинлатиб қўйса бўладиган, кенг гўша эди. Бу ерда ҳар хил кераксиз ашқол-дашқол — сунъий гуллар, туваклар, турли ранглар ёғочлар, китоблар олов кўтариб бораётган ... ҳайкал, тошдан ясалган турли қуроллар, тўрлар, занжирлар қалашиб ётар ва бу ердан ҳам шилта ҳиди келар, айвондан кўра алланеучук бесаришта қазноққа ўхшаб кетар эди. Айвон узун бўлиб, суратлар чизилган йилларига қараб кўргазмага қўйилгандек териб қўйилган, тўғрироғи, бор-йўғи қирққа яқин сурат ва эскизлар «1957», «1947», «1937», «1928», «1926» ва ҳоказо тартибда териб қўйилган эди. Суратларни оралаб борар эканман, қандайдир зиналардан чолнинг умр тилсимоти яширинган кўрғон томон кўтарилиб бораётгандек ҳис этдим ўзимни. Охирги, айвоннинг бурчагига осиб қўйилган суратнинг тагига!

«1921» санаси ёзиб қўйилган эди: чол шу йилдан бошлаб расм чиза бошлаган бўлса керак, деб ўйладим. Сурат анча уқувчизларча чизилган бўлса-да, ранглари ёрқин ва тиниқ эди. Суратда қуюқ ўрмондан маймунни етаклаб чиқаётган барваста гавдали игит тасвирланган эди. Йигитнинг кўзлари тийрак ва ишонч билан порлаб турар, маймуннинг бўйнига солинган кишан таранг тортилган эди. Расмда чол нима демокчи бўлганини тушунмасам-да, лекин йигитнинг юзидаги ишончдан ҳайратга тушдим; қизғиш ва жавдари бўёқ йигитнинг қкўнглидаги ҳисситни тўла акс эттира олган эди. Кейинги суратларда чолнинг қўли анча келшиб, бўёқлар тиниқ ўз ўрнини топган, табиат манзаралари тобора гўзаллашиб борарди, ранглар ҳам турфа хил эди. Бироқ бир лаҳзада осмону фалакни қоплаган кузги қарғалар каби суратларга қандайдир мавҳумлик ёпирилиб кириб келарди, ... сурат ортиб бориши мени ҳайратга солди, мавҳумлик тасвирда ҳам, бўёқда ҳам

сезиларди. Мен ҳар бир манзарада бошқа ранглар ўрнини қора ранглар олаётганини гувоҳи бўлдим. Уттизинчи йилларда чизилган суратлар эса яна ҳам мавҳумроқ эди, энди бу йиллардаги суратларни қора ранг буткул қоплаб олганди. Чол суратларни пала-партиш чизган бўлса керак, деб ўйлагандим, чунки чолнинг масъул хизмат даври мана шу йилларга тўғри келарди. Мен суратларга қараб туриб, уларнинг мақсаду маслакисиз ёзилганини ҳис қилдим. Фақат биринчи суратдаги йигитнинг кўзидаги қатъият ва ишонч беихтиёр ҳар қандай кишини ўзига ром қилиб кўярди, сиз ҳам мана шу йигит изидан номсиз, исёнкор сафарга отлангингиз, ваҳимали зим-зиё ўрмондан авлод-аждодларингизни хурофот ҳамда бидъатнинг ... рашлару алғов-далғов ҳаёт кўйнига ташлагингиз келиб қоларди. Сиз йигитнинг кўрига қараб турсангиз унинг тантана қилишига ишонардингиз. Музейдаги дўстни яна шундай ... бошидан кечирган бўлса керак, чолни роса мақтаганди. Ана шу суратида чол ўзини қобилятли ва истиқболли рассом сифатида намоён эта олган эди. Агар чолнинг биринчи ўн йилликдаги суратларига эътибор берсангиз, сизни ҳам беихтиёр чолнинг навқиронлик давридагидек улуғвор кайфиятлар чулғаб оларди.

Мен кейинги йиллардаги суратлар шунчаки қўл чиқиб кетмаслик учун чизилган бўлса керак, деган фикрга келгандим; бу йиллардаги суратларда ҳувиллаб қолган қишлоқлар ва кўчалар, эгалари ташлаб кетган уйлар, ўзига чорлаб турган қабристонлар, ўлим иси келиб турган ар хил қуроллар, йиғлаётган аёллар ва болалар, бийдай далани босиб кетган ўлаксахўр қузғунлар, мурдалар ортилган аравалар, панжарали камералар, ёниб ётган қишлоқ қандайдир қурқувдан (худди «Помпеянинг сўнгги куни» каби) донг қотиб қолган оломон, сирли махлуқла, йиртқич ҳайвонлар, юзларига ҳар хил жондорларнинг ниқобларини кийиб олган одамлар (карнавал бўлса керак деб ўйлагандим), базму жамшид қилиб ўтирган шотирлар, ароқ навлари, турли хил таомлар, ялонғоч аёллар, маъсума қизлар, қовжираб қолган гулларнинг суратлари акс этган эди. Бу суратлар илҳом ё мақсад билан чизилганига ишониш қийин эди. Биронта суратда ҳам акс эттирилган манзарага тушунмай, чолга қарадим. Чол овқатини еб бўлган ва менга тесқари ўтирганча, матога яна қўнғирроқ тус берарди. У гўё менинг бу ердалигимни унутгандай эди. Чолнинг кейинги суратларида биронта ҳам мукамал тасвирланган одамни кўрмадим. Ҳамма суратлар бўёқларнинг мато юзига чаплаб ташланганидан иборат эди. Бу суратларга хос мавҳумликдан ҳайратга тушдим. Чунки чол буларни энг яхши суратлари ичидан танлаб, териб қўйган эди. Ўша куни мен чолнинг маҳалладошлари мақтаганчалик рассом эканлигига сира ишонмадим ва унинг суратларини кўриб, яна ҳам ҳафсалам пир бўлди. Бу суратлар менга умид кўшинлари ташлаб кетган умрнинг ташландиқ қароргоҳларига ўхшаб уюлди. Энди уни шунчаки номига мақташган бўлса керак, деб ўйлай бошладим. Суратлардаги мавҳумлик негадир юрагимни ғаш қилганди. Бироқ чолнинг ҳаёти бир пайтлар бир кеччада пориллаб очилган гулдек тўсиқ билмас шиддат билан бошланганини, сўнг бу шиддат ҳаётнинг мавҳум ирмоқларига худди ёз ёмғири жазирама сахрога синган каби ққўшилиб кетганини суратларига қараб ҳис этгандим.

Унинг ўша навқиронлик даврини эслатаётган қонталаш ва шилпиқланиб қолган бўлса ҳам, ҳали тийраклик билан тикиладиган кўзларида қолган эди.

Бу кўзлар ҳам ҳар қандай ишонч ва ... маҳрум эди.

Чолнинг ёнига қайтар эканман, у чизаётган суратга бир зум кўз ташладим: устига чанг тушмасин деб, дока ёпиб қўйган суратда одамнинг ва қандайдир ҳайвоннинг оёқлари тасвирини кўрдим. Ва бу ҳол мени бироз ҳайратга солди — полотнода ниҳоят кўп йиллардан кейин одам сурати пайдо бўлган эди. Сурат ҳали чала эди. Мункайиб қолган чол сурат қаршисида тиз чўкиб турганга ўхшарди, бўёқлар ҳам чолга зўрға бўйсунар, гўё улар ҳам бу беҳуда ва мавҳум манзараларни акс эттиришдан буткул чарчагандай эди.

- Хўш, - деди у менинг идин-товоқни йиғиштира бошлаганимни кўриб, суратлар сизга ёқдими?

Елка қисдим ва суратларга тушунмаганимни айтдим. У чарчаанидан милкларига ёш сизиб чиққан хорғин кўзларини менга ачингандек, бир зум кадаб турди-да кейин бош силкиди.

- Ҳа, тўғри, биз тушунарсиз яшадик, - деди ғамгин тусда, - ҳар осган кадамимиз одамлар учун шубҳали ва қоронғу бўлиб қолган, албатта, бунга сиз эмас, ўзимиз айбдормиз.

У худди одамнинг устидан кулаётгандай ёки киноя қилаётгандай истехзо билан гапирар, ҳар бир сўзи асабларни зирқиратиб, арралаб ўтарди. Ким билади балки менга шундай туюлгандир. У энди гап тамом дегандай кўлига мўйқалам олди. У мен билан бошқа гаплашгиси келмаётган, агар мени бу ерда кечкача ... ҳам унинг бирон оғиз гапириши гумон эди. Идишни олим тезд чиқиб кетдим. Чол менга қайрилиб ҳам қарамади. Узоқ вақтгача унинг гапини ўзимча мулоҳаза қилиб юрдим. Бироқ менга нима учун шундай деганига ҳеч тушуна олмадим. Чолнинг суратлари ичида менга фақат маймун етаклаб бораётган йигит сурати ёққан эди. Тўғри, мен тасвирий санъат соҳасида ёмон мухлис эдим, лекин йигитнинг кўзларидаги ишончдан ҳайратга тушар ва унинг қатъиятли чехраси тез-тез кўз олдимда намоён бўлиб турарди. қолган суратлари эса алоғ-чалоғ эсимда қолганди. Икки кунлардан сўнг эса биринчи суратдан бошқа ҳамма суратлардаги манзаралар бир-бирига аралашиб кетди, сўнг йўл-йўлакай дарахтга бир зум қўниб ўтган кушлар каби хотирам дарахтларидан учиб кетди.

Бошқа бир куни чолнинг олдига овқат олиб кирганимда яна ўша шилта хидидан кўнглим озиб кетаёзди. Лекин мен энди ҳар бурчакда путурдан кетаётган умрнинг таназзулидан дарак бериб турган қўланса хидга кўника бошлаган эдим. Биз бу гал анча суҳбатлашиб қолдик. Зиғи шундаки, у жуда саводли эди ва шу вақтгача нимаики қилган бўлса, ҳаммасини билиб, англаб туриб қилганга ўхшарди. У Титсиани ҳам, Пикассони ҳам, модернизмнинг ҳозирги намояндалари Жорж Брак ва Умберто Бачанини ҳам билар ва уларнинг ижодидан жуда яхши хабардор эди. Бироқ биз ўша куни у билан мутлақо бошқа нарсалар ҳақида гаплашгандик. У ҳаётда нима яхшилигу нима ёмонлик, ҳеч қачон фарқлаб бўлмайдди, яхшилик — айна пайтда кимларгадир ёмонлик, ёмонлик эса айна пайтда кимларгадир яхшилик бўлиб туюлади, менинг умримда англаган улосам шу деди.

-Йўқ, - дедим мен унинг салмоқ билан, менинг хулосам ҳамманинг хулосаси бўлиши керак деган оҳангда гапиришидан ғашим келиб. — Булар мутлақо қарама-қарши тушунчалар. Ёмонлик яхшилик бўлиши сира ҳам мумкин эмас, нимаики хурликка, эрка, эзгуликка зид бўлса, у ёмонликдир, - дедим.

У ҳали ёш бола экансан-ку, дегандек димоғ аралаш кулди. Сўнг жиддий тортиб, неларнидир эслагандай гапира бошлади. — Мен умр бўйи ...монликка ... ҳам тенг хизмат қилдим. Чунки нима иш қилсам ўша ишим икки қисмга бўлинар эди. Сиз билан тортишмоқчи эмасман, фақат битта мисол келтирмоқчиман. Бир вақтлар жуда мартабали бир дўстим бўларди, ўзи софдил эди-ю сал обрўталаб эди. У йигирма етти йил амал курсисини ҳеч кимга бермади; уста одам эди. У нима қиларди, денг? Юқоридан шунча хом-ашё бор, деб буйруқ келарди. Буйруқни инкор этиб ёки муҳокама қилиб бўлмасди, — биз ана шундай руҳда тарбиялаганмиз, — уни бажариш керак! Бажариш учун бутун корхона ишчилари ўн тўрт-ўн олти соатдан ишлашлари керак. Бу эса — биласизки, расман мумкин эмас. Тўғрироғи, мумкину яъни турли-туман ташаббуслар ташкил қилиб бажарса бўлади, бироқ ўн икки ой бундай қилиб бўлмайди. Одам машина эмас. Бу минглаб одамларни майиб қилиши мумкин. Йўқ десанг, курсини топширавер; бошқаси албатта шундай қилади. Битта сен ҳалол бўлганинг билан ҳаёт гўзал бўлиб қолмайди. Шунда менинг дўстим энг мақбул йўлни талаган. Таъкидлайман, ўзи жуда софдил, оқибатли одам эди. У ҳамма ишни бажарилди деб, қоғозга қўл қўйиб бераверган. Бошқа корхоналарни ҳам бу ишга тортган, улар «биздан бугина, сиздан угина» деб ёзиб бераверган. Азбаройи одамларнинг тақдирини ўйлаб шундай қилган. Дўстим шу йўл билан ўзича буйруқлар мустабидлигига қарши курашган. Йигирма етти йил одамларни қоғозлар билан ҳимоя қилган. Охир оқибатда унинг ажали етиб ўлди. Кейин унинг гўрига тош отиш бошланди; у ҳимоя қилган минг-минглаб одамлар унга биринчи бўлиб тош отдилар — ўрнига бошқани сайлашди, бу бошлиқ буйруқни қандай бўлса шундай бажариш учун қўлидаги ҳамма нарсадан фойдаланди — ҳатто кучдан ҳам. Даромад камайган, садақа сўраш кўпайган, бора-бора одамлар олдинги бошлиқни афсус билан эслашган, унинг тўғри йўл танлаганини англашган. Хўш, айтинг-чи, бу ерда нима яхшилигу нима ёмонлик. Буни қандай фарқласа бўлади. Бири одамларни ўйлаб, қонунни суиистеъмол қилди, иккинчиси қонунни ўйлаб, одамларни хароб қилди. Мен бу ерда қайси бири ёмонлик, қайси бири яхшилик, ҳеч фарқлай олмайман. Умрим давомида ҳам буни фарқлай олмадим.

— Ўтиқод-чи, — дедим унинг салмоқ билан гапиришидан аччиғланиб, тўғриси унинг далиллари мени бироз довдиратиб қўйди; у ўз умри ҳақида жуда кўп ўйлаган эди, афтидан, шунинг учун қатъият ва ишонч билан гапирарди. — Ўтиқодли одамлар тўғрироғи, ўтиқоди мустаҳкам одамлар яхшилик билан ёмонликни жуда теран англайдилар, — дедим ва гапимдаги баландпарвозликдан ўзим уялиб, тўхтаб қолдим.

— Ўтиқод! — деди у ғуссали оҳангда, — агар бир умр ўтиқод қўйиб,

шунга ишониб, курашиб ёниб-куйиб ... эътиқод қўйган нарсангиз пуч, ёлғон ва пуфлаб шиширилган шардай омонат, сиз эзгулик деб сиғинган нарсалар асли разолат эканини англаб қолсангиз бундай демасдингиз; ана шунда умрингиз ёмонлик билан яхшиликнинг фарқи қолмаган худди йўлдан чиқиб кетган шалдур-шулдур, бўм-бўш аравага айланарди. Сиз эса бўшлиқни тўлдириш ва аравага нимадир юклаш учун ҳар қандай ёвузликдан ҳам қайтмасдингиз. Шуми эътиқод?! Мен бу сўзни ишлатмай қўйганимга ҳам қирқ йилдан ошиб кетди. Бу сўз шунчалик сержило, жимжима, сохта, баландпарвозки, эшитсам кўнглим айнийди.

У алам билан хириллаб тўхтаб қолди. Унинг жаҳли чиққан, негадир кўнгли тўлиб кетганди, ҳозир бирон нарса десам, жеркиб ташлаши аниқ эди. У ўзининг фикрини маъқулламаганларни ёқтирмасди, афтидан. Унинг бутун умр яхшилик нима-ю, ёмонлик нималигини излай-излай, жавоб тополмаганини ўзимча тасаввур қилиб, даҳшатга тушдим ҳатто унинг ўша куни тушунмаган расмларига ҳам андак тушунгандай бўлдим; бу суратлар — ўз-ўзга ишонмаган, умрини турли алдовлар ва юпанчлар билан беҳуда ўтказган одамнинг ҳаёт ҳақидаги ўйлари, унинг мавҳумликка мустаҳик қалбининг парча-парчалари эди. Умри поёнига етган сайин дунёнинг бешафқат хулосаларидан қочиб, у мана шу сокинлик ва ёлғизликнинг қуюқ ўрмонига яширинганди. Ўзининг ўтган умрига мана шу ёлғизлик қўйнидан туриб назар солмоқчи, ўз умрига ҳам хулосалар ясамоқчи эди, шекилли, унинг гапларидан бу сезилар, лекин менимча ўзига зарур хулосани ҳануз топмаганди. Унинг ёлғиз ҳаёти менга чириган дарахтнинг ёлғизлигидек мудҳиш ... бўлиб туюлганди. Афтидан, ёлғизлик унинг сўнгги бошпанасига айланганди. Унинг гапларида одамнинг вужудини заҳарловчи нимадир бор эди. У билан чорак соат гаплашиб, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Нимагаки ишонсам, чол ҳаммасини чилпарчин қилиб ташлаган, мени ҳам ўзининг ишончсизлиги билан заҳарлаб улгурганди. Ўша кундан сўнг мен ичимга кириб олган чолнинг қиёфасидаги шайтонни вужудимдан қувиб чиқаргунча, узоқ вақт ўз кўнглимни ўзим кўтариб, фақат қувноқ ҳикоялар ўқиб юрдим.

Чолнинг олдига бошқа қайтиб чиқмадим. Ҳовлидаги чиркин ва шилта хидидан, чолнинг қўланса гапларидан ҳамон ўзимга келолмаётгандим. Эсласам кўнглим айнир, бирдан ҳамма нарсага қизиқишим йўқолар эди. Уй бекаси ҳафтада бир марта чолга оват киритиб турар, унинг берилиб қандайдир сурат чизаётганини айтарди. У суратга тушунмасди, шунингдек, чолни ҳам ёмон кўрар, лекин қаровсиз чолга бутун кўча овқат киритиб тургани учун улардан айрилгиси келмасди. Умуман, бева аёлларда табиий шафқат ҳисси бўлади. Уларнинг кўнгли юмшоқ, тез таъсирланиб, тез хафа бўлишади. Мен бора-бора чолнинг суратлари билан ҳам, унинг тақдири билан ҳам қизиқмай қўйдим, ўша пайти Онеттининг ҳикояларини таржима қилаётгандим. Ўша пайтлари чол камдан-кам эсимга келарди, эсимга тушган онлари эса кўз олдимда қора шарпа каби пайдо бўлар ва бу гарпа мени тинмай таъқиб қиларди. Баъзан биринчи суратни эслаб, хаёлларга толардим, хаёлларим ҳам суратдаги йигитнинг кўзлари каби ҳузурли эдию Мени фақат

чол чизаётган сўнгги суратгина озроқ кизиштириб турарди, чунки, сезишимча, чол охириги суратини чизмоқда эди. Уни баъзан йўлда — озиқ-овқат дўконига чиқиб келаётган ҳолатда кўриб қолардим ва кунма-кун ҳаёт асари йўқолаётган юз-кўзларига, ўз умри учун аянчли хулосалар тўлиб ётган ва уни масхара қилгандек кўклам билан бирга тобора гўзаллашиб, яшариб бораётган атрофидаги оламини кўрмаслик учун ерга яна ҳам кўпроқ эгилиб қолган қадди-қоматига қараб, шу мудҳиш фикримга ишонгим келарди. Бутун қиш давомида чолни икки марта — дарвоза ёнига курси қўйиб, ўзини чувоққа тоблаб ўтирган ҳолда кўрдим. Уй бекаси кўп жаврайдиган аёл эди. У бутун маҳаллани ғийбат Килиб чиқар, сўнг яна чолни тафтиш» қиларди. У чол ҳақида ижирғаниб гапирарди, лекин овқат киргизишни қанда қилмасди: унга айниқса, чолнинг маҳалла-қўйниқига ўхшамаган одатлари ёқмасди. Баҳорнинг бошларида ҳордиқ ойдан қайтиб келиб, уйга киришим билан уй бекаси кўзида ёш билан қарши олди ва уч кун бурун чолнинг қазо қилганини айтди. Вужудимга совуқ шилимшиқ нарса ўрмалагандай жунжикиб кетдим ва бирдан хаёлимга чолнинг суратлари келди. «Уй ҳали қаровсиз, — деди менга уй бекаси, — ўғлини ҳеч қаердан топишолмади, яна қўлга тушган бўлса керак».

Кечқурун чолнинг ҳовлисига ўтдим. Ҳовли хувиллаб ётарди. Шилта хиди чолнинг ўзи билан бирга йўқолган, бироқ чиркин хид ҳали гупиллаб димоғни куйдирарди. Чолнинг суратлари бир чеккага йиғиштирилиб қўйилганди. Чолнинг сўнгги суратини излай бошладим. Чол суратни чизиб улгурганми, йўқми, мени жуда қизиқтирарди. Сариқ матони ниҳоят топдим ва унинг юзидаги қоғозни юлиб олиб шоша-пиша суратга тикилдим. Кўзимга ниҳоятда тиниқ ранглар лоп этиб урилди — бу сурат қирқ йил ичида чизилган маҳзун суратларга сира ўхшамас эди. Мен расмдаги манзарадан бир нафас тонг қолдим; суратда худди биринчи расмдаги ўрмон акс эттирилган эди. Ақат бу суратда маймун қараб турган умидсиз кўзларига ҳам чўккан мункайган бир чолни ўрмон сари етаклаб кетарди.

Суратнинг шошиб чизилгани кўриниб турарди. Кўп жойига бўёқлар номига чапланган эди. Чолнинг ўзи ҳам умри охирига билинган ва шунинг учун шошганди. Расмнинг орқа фонидаги ранглар меъёрига етмаганди. Бу куёш ботиб, атрофга чўккан хира қоронғуликни эслатарди. Бироқ ана шу қўнғир ранг фонида маймун ва одамнинг қиёфаси равшан акс этган, одамнинг юзидаги умидсизликни яна ҳам кучайтирган эди.

Мен ўшанда беихтиёр ҳаёт каби санъатнинг кириш ва чиқиш эшиклари борлиги ҳақида ўйлагандим. Чолнинг суратлари гўё сирли қўрғон эди; чолнинг илк суратини кўрган дақиқадаёқ .у қўрғонга кириб қолгандим ва унинг суратларидан қолган совуқ ҳиссиёт билан бирга юрагим ғаш бўлиб юришимнинг сабабини топгандай бўлдим. Шу кунгача чолнинг қўрғонида яшаган эдим ва ҳозир бу қўрғон эшигидан бийдай кимсасиз далага чиқиб қолгандай ҳис этдим ўзимни. Вужудимни шилимшиқ, жиркканч нарса ўрнига бир... йўқотиб қўйган одамдай чолнинг суратларидан қолган ваҳима эслатади.

Ўзим яшайдиган уйга қайтиб кирганимда бека маҳалла комитетида

ишлайдиган кекса бир киши билан гаплашиб ўтирарди. «Маҳалла кексалари йиғилишиб, уйни кимгадир бермоқчи бўлишибди, — деди у менга, — уй оламан деб юргандингиз, мана шу уйни ола қолинг». Бирдан димоғимга ҳовлидаги дов-дарахтлардан тортиб, гуллару ҳар битта ғиштгача ўрнашиб қолган чиркин ҳид гуп этиб урилди; кўнглим беҳузур бўлгандай ижирганиб кетдим.

— Йўқ, — дедим мен ўз хонамга кетар эканман. — Ҳозирча уйсиз яшаб тураман.

2- амалий машғулот:

Биографик методга хос хусусиятлар

Биографик методнинг талқин тамойиллари ва асосчилари, биографик жанр ва метод муносабати юзасидан олиб борилган тадқиқотлар шарҳи. Ўзбек адабиётшунослигида биографик методда ёзилган асарлар таҳлили. Ушбу методга хос энг асосий хусусиятлар муҳокамаси.

Қуйидаги адабий матнларни турли методлар бўйича талқин қилинг:

Максим Горький

Қизиқликлар

Бу кун ман Тарвитский кўпругида кичкинагина, сариқ сочли, ялтироқ пойпоқ кийган бир хотинни кўрдим. Унинг юзи қиз боланикидек, ҳали тамом етмаган (етилмаган маъносида – Б.К.) эди. Кўкимтил қўлқоп кийган елка ва қўл билан панжарани ушлаб, худди Нева дарёсига ирғиб тушишга тайёрлангандек ўзининг кичкина қизғимтил тилчасини оғзидан чиқариб, ойга қараб чўзмакда эди. Осмоннинг эски ва айёр тулкиси қора тутундек булут орқасидан чикди. Бу кун ой жуда тўлған эди. Ул маст бўлиб юрадиған одамнинг тумшуғидек қалин ва қизғимтил эди. Хотин ойни энг қаттиқ ва - мен айтсам - жиноий тус билан пўписалар эди.

Бу воқеа бир вақтлар мени кўп ишғол қилған ва кўп қизиқликларни эсимга туширган эди. Одамлар ёлғиз бўлганда уларга қараб юришни ва уларнинг ақлсиз ҳаракатларини таъқиб этишни суяр эдим. Бундоқ ҳаракатларни бўлса ақлсизлик демасдан бўлмайди.

Мен гўдаклигимдан бери инглиз масхарабози Мирондолни эсимда тутаман. Бир кун бўш ва қаронғи ўйинхонадан ўтиб туриб, у ойнанинг олдида тўхтади, бошидан қалпоғини кўтариб, ўз аксига таъзим билан букулуб салом қилди. Ўйинхонада ҳеч ким йўқ эди. Мен беркиниб ўтирған эдим. У мени кўрмади, кўра олмади. Бу нима қилиқ? Ўйлаб туриб тушундим-масхарабоз. Бунинг устига ўзи инглиз. Қизиқлик унинг гўшт ва қонига сингиб кетган.

Лекин ман Чеховни кўрдим. У боғда офтобнинг шуъласини телпаги ичига солиб, уни шу ҳолда шуъла билан бошига кийиб олишга уринар эди. Ҳаракатининг муваффақиятсизлиги, офтоб шуъласини овлашдан ҳея нарса чиқара олмағани унинг аччиғини келтирди. Унинг бети тиришиб

каронғиланар эди. Охири ғазаб билан телпагини кийди, оёғи остида ётган итни бир тепди. Осмонга эгри ва аччикланиб каради-да, уйига кириб кетди. Мени кўрганида оғзининг бир бурчаги билан кулди ва:

-Салом алайкум, Балмонтнинг "Офтоб ўлан иси беради" деган нарсасини ўкидингизми? Ахмоқлик, Русияда офтоб Қозон собунининг исини, бу ер ва Қримда татарлар терининг исини беради, -деди.

Ул йўғон қизил карандашни кичкина шишачанинг оғзига тиқишга кийналиб уринади. Бу эса ҳикмат табиат қонунини енгишга очиқ интилиш эди.

Л.Н.Толстой бир куни эчкиэмарнинг олдиға келиб, секингина:

-Яхшимисан? - деди.

Эчкиэмар Диюлбир йўлидағи бир чакалакзорда, тош устида исиниб ётган эди. Толстой унинг олдида қўлини белбоғига тиқиб, теваракка гумонсираган бир назар ташлаб, улуғ инсон яна эчки эмарга қараб:

-Мени сўрасанг, ҳеч яхши эмасман, - деди.

Кимё пруфессури Тиховинский ошхонада ўтируб мис лаълига тушган аксидан сўради:

- Ҳа ўртоқ, юрибсанми?

Бир жавоб олмаганидан кейин пруфессур оғир бир уфлади. Ва қошини жийириб, бетини тириштириб, ўзининг лаълдаги аксини аритиб ташлашга киришди.

А. Владимирский этигини олдиға қўйиб, унга қараб:

-Қани, юр-чи, юролмайсанми, ҳа, юролмайсанми?,- деди. Кейин ўзи такаббурлик билан натижа чиқарди:

-Билдингми, мен бўлмасам, сен ҳеч қаерга боролмайсан!

- Нима қияпсиз, Фёдор? - деб уйига кириб туриб сўрадим.

- Мана, этигим эскириб кетибди. Эндиги этиклар ёмон бўлиб қолган,- деди.

Бир кун менинг меҳмонхона қўшнум, Варонеж мулкдори бутунлай хушёр бўлгани ҳолда адашиб меним хужрамга кириб қолди. Мен кўрпамда ётган эдим. У ҳам тамом кийинган эмас эди. Чироғлар ўчирилган эди. Кўрпамни сал кўтаргач, қўшнимнинг ориқ, кулимсираган юзини кўрдим. Ул ўз-ўзига сўзлашмакда эди.

-Ким бу? - деди.

-Мен таксир, бу сизнинг уйингиз эмас.

-А, афв этинг.

-Буюринг! - деган эдим, у тўхтади. Теварагига каради. Мўйлабини тузатиб, ойна олдиға келиб, гурунглай бошлади:

-Мен адашдим-м-м-м-м . Бу қандай воқеа бўлди-и-и-и-и , - деди. Ва секингина оёқ учида юруб уйдан чиқиб кетди.

Хотинлар ҳам кийинган чоқда ёки бирор муваффақиятдан кейин ўзлари билан сўзлашадилар. Аммо ман бир кун ўкиган бир хотинни кўрдим. У ёлғизликда шокалад емоқда ва ҳар канфетини емасдан илгари гапирар эди:

- Ман сани еб қўяман.

Кейин сўрарди:

-Ҳа едимми?

Иккинчи канфетини яна:

- Ман сани еб қўяман, ҳа едимми? - деб такрор қилар эди. Беш минутгача шу ҳол давом этди. Юзи виқорли хотиннинг икки кўзлари ҳам тиззаси устидаги кутида бўлган шаколадга тикилган эди.

Театрнинг залида чиройликкина қора сочли бир хотин ўйин бошланишидан кеч қолиб, ойна олдида сочини тарагани ҳолда қаттиқ ва таъсирли товуш билан:

-Ҳа шунинг учун ўлуш керакми? - деди. Залда мендан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У ҳам мени кўрган эмасди. Кўрганида бундай ўринсиз бир гапни гапирмас эди. Бизнинг Русияда мундай қизиқликлар жуда кўп, мен уларни кўп учратдим.

Й.Омон

“Маориф ва ўқитғучи” журнали, 1927 йил. №7-8

Чўлпон шеърларини таҳлил қилинг ва саволлар тузинг:

АЛДАНИШ (Разочарование)

Беш йиллик ёнишим бир йил учунми?
Эркалаб ўтқувчи бир ел учунми?

Кўзимга кўринган саробми эди?
Мен шунга алданиб тоғларми ошдим?
Севгимнинг боқчаси харобми эди?
Шу боқча ичида йўлми адашдим?

Кўзимни ўраган киприкми эди
Ёки кўк тусида пардами эди?
Кўнгил шу чокқача тирикми эди?
Жоним кўклардами, тандами эди?

Кўлимни тегиздим... Одам эди-ку!
Кўзимда ўйнаган бир нур эди-ку!
Сезгим-да соғ, тетик, бардам эди-ку!
Бўйнимга қўл солган бир хур эди-ку!

Нега мен севмадим? Ўт эмасмиди?
Шул ўт ичидаги мен эмасмидим?
Каъбамга осилган бут эмасмиди?
Бутни “Тангри” деган мен эмасмидим?

Мен уни хаёлий, тотли бир севиш,
Илоҳий бир муҳаббат, ишқ билан севдим.

Беш йил! Шунинг учун беш йил англайиш...
Ёниш, куйинишларим... оҳ, энди билдим.

Оҳ, энди билдим, ким барчаси хаёл,
Барчаси бир тотли, роҳат туш экан.
Кет, йўқол кўзимдан, ҳақиқат, йўқол,
Бағримга ботмоқда оғули тикан.

Чиндан-да мен у кун ёлғизми қолдим,
Чиндан-да у ўтли севги битдими?
Чиндан-да турмушдан оғизми олдим?
Чиндан-да умидим буткул кетдими?

Чиндан-да кўнглимда севги ўтлари
Чўғсиз ўчиб қолган шамдек ўчдими?
Чиндан-да каъбамнинг санам, бутлари
Кул-парча бўлдими, буткул кўчдими?

Чиндан-да мен букун севмасми бўлдим?
Чиндан-да муҳаббат ўтими сўнди?
Чиндан-да мен букун тиканми юлдим?*

Кўнглим бу алданишга, оҳ, қандай кўнди?

Севгимнинг яшаши бир йилми эди?
“Ғув” этиб ўтгувчи бир елми эди?
1922 йил.

ГЎЗАЛ

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: "Мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!.."

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа,
Ул-да айтадирки: "Қизил ёнғоққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!.."

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: "Бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни — шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!.."

Ул кетгач кун чиқар ёруғлиқ сочиб,
Ундан-да сўраймаен сенинг тўғрингда.
Ул-да уятдан беркиниб, қочиб,
Айтадир: "Бир кўрдим, тушдамас ўнгда.
Мен ўнгда кўрганда шунчлар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир... мендан-да гўзал!.."

Мен йўқсил на бўлуб уни суйибмен?!
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куюбмен.
Бошимни зўр ишга бериб кўюбмен,
Мен суюб... мен суюб... кимни суюбмен?
Мен суйган "суюкли" шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!"

БИНАФША

Бинафша сенмисан, бинафша сенми,
Кўчада ақчага сотилган.
Бинафша менманми? бинафша менми,
Севгинга, қайғунга тутилган?

Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг?
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?

Бинафша,
Айт менга,
Кимлардир уларким,
Игнани бағринга санчалар?
Бинафша,
Бир сўйла,
У қандай қўлларким,
Узалар, ҳидлайлар, янчарлар?

Бинафша, шунчалик чиройли юзинг бор,
Нимага узокроқ кулмайсан?
Бинафша, шунчалик тортғувчи тусинг бор,

Кўнглимга исриклик тўкмайсан?
Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери,
Қайғингни қайғумга қўшгил.
Бинафша, сен учун кўкрагим эрк эри,
Бу эрдан кўкларга учгил.

Бинафша, гўзалим, қайғулим, келмайсан,
Қайғунг зўр, қайғумни билмайсан,
Менга бир кулмайсан.

КЎКЛАМ ҚАЙҒУСИ

Эй қоронғи узун қишнинг хаёли
Кўклам чоғи кўзларимда ўйнама!
Айрилиқнинг чидаб бўлмас малоли
Кўклам, майса юзларида қайнама!

Бир оз... бир оз кўнгил берай кўкламда
Шафтолининг гўзал, қизил юзига,
Бир оз... бир оз алданмайин кўнглимда
Бош чиқарган йигитликнинг сўзига.

Қаршимдаги кулиб турган юмшоқ қиз
Кўм-кўк майса ўртасида бир гулдир.
Кўп йиғладим... ёшларимни қатор чиз
Ва қаршимда гўзал қизни бир кулдир!

Кўклам чоғи ... Сайроқ булбул сайрамас,
На учунким, танбуримнинг тили йўқ.
Ул гўзал қиз чин қараш-ла қарамас,
На учунким, умидимнинг йўли ёқ.

Тилларимда ҳар кўкламнинг қўшиғи,
Юрагимда ҳар гўзалнинг севгиси,
Кўзларимда ҳар қайғидан бир йиғи,
Юзларимда алданишнинг белгиси.

Ёлғиз менми кўклам чоғи йиғлаган?
Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?
Ёлғиз менми кўкрагимни тифлаган?
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган?
Эй кўкламнинг кўз тортғувчи келини,
Нима учун йиғлатасан бир мени? ...

АМАЛНИНГ ЎЛИМИ

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?

Шарқнинг оналари, жувонларими?
Қаршимда йиғлаган бу жонлар кимлар?
Қуллар ўлкасининг инсонларими?

На учун уларнинг товушларида
Ўтган асрларнинг оҳанги йиғлар?
На учун ёзмишнинг ўйнашларида
Ҳар юриш кўнглимни наштадек тиглар?

Кенглик хаёллари учдими кўка
Бутун умидларни ёвларми кўмди?
Мангу тутқунликка кирдими ўлка?
Хаёлда порлаган шамларми сўнди?

Кечанинг жон олғич қоронғулиги,
Нажод юлдузини хаёлми билди?
Шунча тутқунларнинг ҳаққи, ҳақлиги
Бир ҳовуч тупроққа қурбонми бўлди?

Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар,
Шарқнинг кўкрагида бир топмасми?
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар,
Уҳлаган дилларга кулиб боқмасму?

СУЙГАН ЧОҚЛАРДА

Гўзалларнинг маликаси экансан,
Буни сенинг кўзларингдан ўқидим.
Ўқидим-да истиқболим қушига
Хаёлимдан олтин қафас тўқидим.

Гунафшалар қулоғимга мадҳингни
Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади...
Аламзада булбул йиғлаб, кечалар
Аламингнинг сўнгин тамом этмади

Кўзингдаги ҳикоянинг мазмунин,
Шоир бўлсам, айтиб-айтиб йиғлардим.
Ўшал, эски жароҳатли қалбимни
Сатрларнинг наштари-ла тилардим.

Хаёлимнинг қип-қизилдан кийинган
Парилари, ҳурларини кўрдингми?
Аламиндан гуллар эккан йўллардан
Коинотга ҳаёт сочиб юрдингми?

Йўлларида шеър айтса сўлган барг,
Қулоғимга мусиқалар келтирур.
Қачон сенинг мусиқали овозинг
Сенинг мени суйганингни билдирур?

ҚАЛАНДАР ИШҚИ

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлкини бордир,
Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку.

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.

Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

3- амалий машғулот: Психологик метод имкониятлари

Ўзбек адабиётшунослиги ва дунё адабиётшунослигидаги методлар уйғунлиги; бадий адабиёт ва психологизм масаласи. Психологик методнинг майдонга келиш зарурати ва унга хос талқин тамойиллари. Психологик методнинг тараққиётида рус адабиётшуносларининг улуши. Ижод психологияси ва ижодкор лабораторияси доир қарашлар талқини.

Қуйидаги шеърларни психологик метод асосида таҳлил қилинг:

Иқбол МИРЗО ШАВКАТ РАҲМОН

Учиб-қўниб, учиб-қўниб шом-сахарлар
Нафис санъат сахнасида пойга кетди.
Шавкат Раҳмон қайга кетди, биродарлар,
Капалаклар учмайдиган жойга кетди.

Ким қуёшга солди ердан топиб гавҳар,

Ким кўнглига шуъла истаб ойга кетди.
Шавкат Раҳмон қайга кетди, биродарлар,
Чироқ ёниб ўчмайдиган жойга кетди.

Чорбозорда сўз ахтарар харидорлар,
Биров катта кетса, биров майда кетди.
Шавкат Раҳмон қайга кетди, биродарлар,
Ёлғон қасам ичмайдиган жойга кетди.

Аёлларнинг банди бўлди қайси мардлар,
Қай дарвешлар чоғир ила майга кетди.
Шавкат Раҳмон қайга кетди, биродарлар,
Тухмат тоши тушмайдиган жойга кетди.

Нағмаларни бас қилинлар, энди етар,
Қўлларингиз бекор дутор-найга кетди.
Шавкат Раҳмон қайга кетди, биродарлар,
Осойишта ухлайдиган жойга кетди.

ХАБАР БЕР!..

Дурди шоир билан дардлашув

Махтумқули:

- Ул нимадир, яшил-қизил ўсадир?
Ул нимадир, оёғи йўқ кезадир?
Ул нимадир, етти дарё сузадир?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

- Ул экиндир, қизил-яшил ўсадир,
Ул илондир, оёғи йўқ кезадир,
У балиқдир, етти дарё сузадир,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, ёқаси бор, ёни йўқ?
Ул нимадир, қаноти бор, қони йўқ?
Ул нимадир, одам ютар, жони йўқ?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Ул кафандир, ёқаси бор, ёни йўқ,
Капалақдир, қаноти бор, қони йўқ,
Қаро ердир, одам ютар, жони йўқ,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, дарвозасиз қалъадир?
Ул нимадир, деразасиз бинодир?

Ул нимадир, бир-биридан аълодир?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Ул кўнгулдир, дарвозасиз калъадир,
Ул қабрдир, деразасиз бинодир.
Ул ой-кундир, бир-биридан аълодир.
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, емадилар, тўйдилар?
Ул нимадир, қиёматга қўйдилар?
Ул ким эди, товонидан сўйдилар?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Ул дийдордир, емадилар, тўйдилар,
Ул намоздир қиёматга қўйдилар.
Насимийнинг товонидан сўйдилар,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, етти ўлка кезадир?
Ул нимадир, белин бир зот эзадир?
Ул нимадир, одам каби сезадир?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Ул чўпондир, етти ўлка кезадир,
Ул қўй эрур, белин таёқ эзадир,
Бедов отлар одам каби сезадир,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!

- Ул нимадир, тупроқ узра суринамас?
Ул нимадир, одамларга кўринамас?
Ул нимадир, ҳеч бир тўнга ўранмас?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

- Эранлардир, залил бўлиб суринамас,
Ул балодир, келса кўзга кўринамас,
Ёлғон гурунг ошкор бўлар, ўранмас,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир!


4- амалий машғулот:

Формал мактаб ва формал метод

Дунё адабиётшунослигида бадиий асар шаклига диқат қаратилиш. Рус формал мактаби намояндалари ва формал метод тарихи. Формал методга хос хусусиятлар. Бадиий асарнинг шаклини тадқиқ қилиш амалиёти. Вульгар социологизм ва формализм ҳодисаси талқини.

Қуйидаги ҳикоя чизмасини формал метод асосида тушунтиринг:

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитхонага йўл” ҳикоя



Матни лингвистик нуқтаи назардан тушунтиринг:
Осмонда ерда

Қишлоқнинг мачити ҳайитдагидек тиқин. Эски, йиртиқ – ямоқ яқтаклик яланг оёқ деҳқонлар мачитнинг сахнида қоқ ерда ўлтурадирлар. Нариги ёқда аллақанча тикка турған кишилар ҳам бор. Унда-мунда елкасига “бешотар” милтиқ осқон милиса йигитлар кўринадирлар. Жамоа ижроқўмининг раиси шошилиб, пишилиб у ёқ-бу ёққа чопиб юрадир. Унинг қўлида бир неча ўзбакча газеталар, бир мунча хитобнома – шуларнинг ҳаммасини бир ип билан боғлаб олиб кўтариб турубдур... уни ҳали ҳам “амин” деб атайдирлар.

Мачитнинг эшигидан беш-олтита яроғлиқ милисалар билан бўлус ижроқўмининг раиси келиб кирди. Унинг елкасида япўнларнинг ўзларига

ўхшаган калта бўйлик бешотарлари! Жамоа ижрокўли раиси югуриб келганларнинг ёнига турадир. Бўлус ижрокўли раиси жамоа ижрокўл раисини кўргандан кейин:

-Хўш, эшон амин бошламадингизми? – деб сўрайдир. Унга қарши кишлоқ ижрокўм раиси кулуб туруб:

-Сизнинг келишингизга қаратиб туруб эдик, мингбоши додхоқ – дейдир.

-Бўлмаса бошлай беринг.

-Жамоа ижрокўм раиси шошилганча халқ орасига кириб кетадир...

Қизиқ ҳол: Ўзбекистоннинг энг чекка ва қоронғи қишлоқларининг бирида бўлаётқон шу йиғин (митинг)да осмонда учуб юруш тўғрисида маъруза ўқуладур.

Йиғин очилмасдан илгари қишлоқ йигитлари ўзаро қизиқ-қизиқ гапларни гапиришиб ўлтурарлар эди. Шундай айланиб юрсам ўнтача ёш йигит бир жойга тўпланиб олиб, кулуша-кулуша гапдашардилар:

-Осмонда учамиз эканда!

-Қиғирға ўхшаб а?

-Ҳа, худди қиғирға ўхшаб. Йўқ э... Биз қиғирдан ҳам ўтуб лочин бўлуб кетамиз.

-Бедана тутуб ейишни кўрунг бўлмасам.

-У вақтда қиғирнинг ҳам кераги йўқ.

-Какликни айтинг.

-Э-и-и... Маз-за!

Уларнинг ёнига шаҳардан чиққан бир ташвиқотчи йигит борадир. Бироз ҳалигиларнинг гапларини эшитиб турғондан кейин ҳалиги ташвиқотчи йигит ҳам гапга аралашиб, ҳаво кемаларининг иқтисод жиҳатидан келтиратурғон фойдаларини тушунтуруб кетадир. Мана унинг гаплари:

-Акалар, каклик билан бедана ейиш-ку, қиғир билан ҳам бўла беради-я; лекин мана бу тўпланг йилларида бузулган юртни, вайрон бўлғон шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш керак. Ҳаммадан кўра мана бу тш зарур...

Дехқон йигитлар унинг гапини бўлуб:

-Рост айтасиз муллака, ҳаммадан ҳам бу зарур. Биз энди бояғи гапларни ўйнашиб, ҳазиллашиб айткан эдик-да!-дейдилар.

Шаҳарлик йигит сўзида давом қиладир:

-Майли, ҳазил ҳам керак. Беш-олти йилан бери ҳазил юзини кўрганингиз йўқ.

Гапимизга келайлик: ободлиқ деган нарса борди-келди, қатнов билан бўладир. Қатновга от-арава, пойиз, кема керак. Буларнинг боралмайтурғон жойига тезлик билан, осонлиқ билан ҳаво кемаси борадир. Масалан: Қошқор томонга, Авғон томонга, узоқ яйловларга, Масков билан Тошкант орасига.

Москов билан Тошкантнинг ўртаси тез юратурғон пойизга беш кеча-кундузлик йўл бўлса, ҳаво кемага бир кеча-кундузлик йўл...

Дехқон йигитлар ҳайрон бўлуб, ёқаларини ушлайдилар:

-Қаран-а... Худоё тавба...

-Қани, ҳой биродарлар, яқинроқ келиб ўлтуринглар, шаҳардан келган

меҳмонлар баъз айтар эканлар!

Жамоат ижрокўм раисининг баланд овоз билан айткан шу гапидан кейин ҳамма дув-дув жойидан жилиб даврани торроқ оладир.

Йиғиннинг ўртасидан бўлис ижрокўм раисининг хириллаган кучисз, бўғук товуши эшитиладир:

-Яхшилаб қулоқ беринглар, тўпаланг, шовқун, ғовур-ғувур қилманглар, ўзингларга фойдалиқ гаплар бўлади!

Ҳамма жим.

Йиғиннинг ўртасида бир сандал кўйулган. Сандалнинг теварагида учта ёғоч эшак. Унда бўлус ва кишлоқ ижрокўмларининг раислари, шаҳардан келган икки мусулмон ташвиқотчи, бир овпуполи қизил камандир ўлтурадирлар. Жамоат ва бўлис ижрокўмларининг мирзалари билан 2-3 та милиса йигитлар ҳам ўша жойда...

Маскавдами Тошкандами ўқуб ётқан ёш бир йигит – “фўрма” кийим устидан ёзлиқ шойи тўп кийгани ҳолда, секингина сандал (тапча)нинг устига чиқади. Тутула бериб оёқлари бинд-бандидан ажралган, сўлқиллаб қолган сандал, йигит чиқиши билан у ёқ-бу ёққа қинғайиб кўядир... Йигит бир-икки пиланглаб олиб, сандалга қорайдир-да, уятқанидан енгилгина қизариб кулар...

-Тоғалар, акалар, оталар!...

Йигитнинг жаранглаган, тоза кучлик овози шу сўзларга қанот қоқиб, йироқ-йироқларга олиб кетадир...

Сўз тугагандан кейин ижрокўм раисларига эргашиб бир мунча киши секингина, эринчаклик билангина чаппак чалиб кўядир.

Сандалга яна бир йигит чиқади. Тажанглиги юзлардан белгили бўлган бу ороқ ва қотма йигит, муаллим бўлса керак, бирдан баланд овоз билан сўз бошлаб, маориф масаласидан тушади...

Йигит қизди; сандал ланг-ланг қилади. Йигитнинг қўллари у ёқ-бу ёқларга учуб, барваста қимирлаб туради. Юзлари қипқизарди; терлар дона-дона бўлуб, юзларида кўпиклашади...

Йиғилғонлар жим, ҳеч ким қимирламайдир.

Йигит йиғилғонларнинг оғир жойларидан, яраларига нашта бўлуб тегатурғон нарсалардан гапирди шекилли... Деҳқонлар орасида енглари билан кўзларини артқанлар бўлди...

Йигит сўзини тамом қилиб тушкандан кейин ижрокўм раислари чаппак чалмадилар; нимага десангиз, уларнинг енглари ҳам дастрўмоллари ҳам кўзларида эди...

Оврўпали камандир илгари ваъз айткан йигитдан сўради:

-Нимага булар йиғлайдилар?

-Ваъз таъсирлик бўлди.

-Нима тўғрисида гапирди ўртоғимиз?

-Билмаслик, тушунмаслик тўғрисида...

Бунга роса 6 ой бўлди. Бир замон қиш вақтида йўл усти тўғри келиб қолди-ю, ўша қишлоқдан ўтдим.

Менга таниш селижрокўм раиси бир кеча мени олиб қолди, кечаси

гулхан қилиб ўлтуруб кўб кишилар билан гуаплашдим.

Орада менга энг маъқул бўлгон бир йигит бор эдиким, у ҳам бўлса – ўша қишлоқда шу йил очилгон янги мактабнинг мудир ва муаллим!

Муаллим қишлоқ болаларидан хурсанд. Уларни мактаб:

-Фавқулдда истеъдод бор. Миялари ҳеч нарса билан захарланмаган; тоза, кенг. Худди ўзларининг талалариға ўхшайдир! – деди.

Ўткан куз ҳалиги йиғиндан 1-2 ой кейин ҳаво кеманинг учуб ўтканини кўрибдирлар. Шунини меҳмонхонага тўпланган деҳқонлар жуда ғалати қилиб айтиб бердилар.

Улар хийли вақтгача “азкия” қилишдилар, “пайрав” боғлашдилар, бир – бирларини чандишлар. Кулишдек.

Мен ҳам дунё-оламнинг аҳволидан хийли гапириб бердим. Ишқилиб чекка ва қоронғи қишлоқларда юруб ҳам осмон билан ерни чайнашдек...

Чўлпон

1924 йил. декабрь

5- амалий машғулот:

Герменевтик метод имкониятлари

Дунё адабиётшунослигида герменевтика тушунчасининг кенг тарқала бориши. Бадиий асарга герменевтик ёндашувнинг шаклланишида немис файласуфларининг ўрни. Герменевтик тафаккур хос илмий-назарий унсурлар таҳлили. Бадиий ижод намуналарини герменевтик талқин тажрибаси.

Қуйидаги расмни талқин назарияси асосида тушунтиринг:



6- амалий машғулот:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва журналлар таҳририятида амалий машғулот ташкил этиш

Амалий машғулотни кўчма шаклда ўтказиш зарурати; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг нашрлари билан танишиш асосий мақсад ва вазифа эканлиги. “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдуз”, “Ёшлик” журналлари таҳририятларидан бирида учрашувлар ўтказиш ва журналларда босилган энг муҳим адабий манбалар билан танишиш.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейслар учун кейс-стади методи асос саналади. Зеро “Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмок) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичиге қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижа (What).

Модул бўйича қуйидаги кейсларни ечиш мақсадга мувофиқ саналади:

1-кейс. Адабиётшунослик фани психология билан чамбарчас боғлиқ. Адабиётшуносликдаги психологик ва психоаналитик методда асосий эътибор қандай адабий-назарий унсурларга қаратилади?

Фикрингизни асослаб беринг.

2-кейс. Бадиий асарде асосан ижодкор ўз дунёсини бадиий шаклде баён қилади. Бундай қараш қайси адабиётшунослик методи доирасиде ўрганилади. Бадиий асар билан муаллиф орасини боғлайдиган параллел тушунчаларни илмий-назарий жиҳатдан изоҳланг. Муаммони мисоллар билан тушунтиринг.

3-кейс. “Санъат тарихи исмларсиз бўлсин” тамойили кимге тааллуқли? Қайси илмий методде шу тушунча талқин қилинади? Бу методнинг дунё адабиётшунослигидаги намояндалари кимлар? Замонавий ўзбек адабиётшунослигида шу тамойилге мос келадиган метод борми? Фикрингизни адабий мантлардан олинган мисоллар билан исботланг.

4-кейс. Қуйидаги “пирамида”ни қандай тушунасиз ва уни қайси методде боғлаш мумкин?

die zeit vergeht
lustig
lulustigtig
lululustigtigtig
lulululustigtigtigtig
lululululustigtigtigtigtig
lulululululustigtigtigtigtigtig
lululululululustigtigtigtigtigtigtig

5-кейс: Ушбу топширикде аниқ бир ҳикоя матни танланади. Асарнинг

муаллифи, ёзилган даври кўрсатилмайди. Тингловчи муаллифни ҳикоянинг услубига қараб аниқлаши лозим бўлади.

V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- фан доирасида янги адабий манбалар излаб топиш ва ўзлаштириш;
- адабиётшунослик методлари бўйича тест саволлари шакллантириш;
- малака ошириш жараёнида олинган назарий билимларни амалий жиҳатдан аниқ бир бадиий асарга татбиқ этиш;
- бадиий асарни комплек ёндашув асосида талқин этишга доир тамойилларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Амалий машғулотларда тайёргарлик кўриш учун адабиётлар ўқиш;
2. Инглиз тилидаги назарий адабиётларни ўқиш;
3. Дунё адабиётшунослигидаги етакчи назарий адабиётларни интернетдан излаб топиш;
4. Формал ва структурал методлар қиёслаш;
5. Ўзбек адабиётшунослигида биографик методга доир китоблар муҳокамаси;
6. Ёзувчи услуби, матн ритмикаси масаласи;
7. Р.Барт, Г.Г.Гадамер, Ю.Лотман асарларини ўқиш;
8. Ш.Сент-Бёв, А.Моруа ва бошқа хорижлик методологияга доир асарлар ёзган олимларнинг китобларини ўқиш;
9. В.Г.Белинский, Д.Добролюбов, М.Бахтин ва Ю.Борев асарларини ўқиш.
10. Рус адабиётшунослари илмий асарларини ўқиш.
11. Ўзбек адабиётшунос олимларининг асарларини ўқиш ва таҳлил қилиш.

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
Адабиёт	арабча сўз бўлиб, у “одоб” (кўплик шакли “адаб”) сўзидан олинган.
Адабиётшунослик	сўзи ҳам икки қисмдан иборат бўлиб, у “адабиёт билан шуғулланиш”, “адабиётни ўрганиш” маъносини англатади. Бундан аён бўладики, адабиётшунослик адабиёт ҳақидаги фандир.
Адабиёт тарихи	адабиётнинг тараққиёти тамойилларини, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини, ижодкорларнинг ижодий фаолиятини ўрганади.
Адабиёт назарияси	адабиёт ва ижтимоий ҳаёт орасидаги боғлиқликни, сўз санъатининг кишилик жамияти тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланишини, адабий тур ва жанрлар табиатини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, бадиий асар тузилиши, уни ташкил этувчи қисмларни, асарнинг тили, ифода услубини, бадиий-тасвирий воситаларни, адабий йўналиш, адабий услуб, адабий мактаб, ижодкорнинг бадиий маҳорати каби масалаларни ўрганади.
Адабий танқид	жорий адабий жараённи таҳлил қилади. Яратилаётган асарларнинг ғоявий-эстетик қимматига баҳо беради. Адабий жараёнда пайдо бўлаётган ўзгариш, йўналиш, услубларни аниқлайди. Асарларнинг кишилар дид, тафаккурига таъсири ҳақида фикр билдиради.
Филология	грекча сўз бўлиб, philo - севаман, logos - сўз, билим демакдир.
Образ	сўзнинг ўзаги “раз” (чизик) бўлиб, ундан “разить”(чизмоқ, йўнмоқ, ўймоқ), ундан “образить”(чизиб, ўйиб, йўниб шакл ясамоқ) пайдо бўлган. Ана шу “образить” сўзидан “образ” атамаси вужудга келган. Бу сўз “умуман олинган тасвир” маъносини билдиради. Образ ҳам умумлашган, ҳам

	индивидуаллашган хусусиятни ўзида гавдалантирган ҳодисадир
Бадийлик	ҳодисаларни ҳаётӣ, жонли манзараларда, кишини таъсирлантирадиган, унда тасаввур уйғотадиган қилиб тасвирлаш. Бадийлик барча санъат турларига хос ҳодиса.
Бадий тўқима	образнинг ички-ташқи қиёфаси, мақсад, интилишларини намоён этувчи воқеаларни ўйлаб топишдир
Реалистик образлар	характер-хусусиятлари, хатти-ҳаракатлари ҳаётдаги кишиларга мос келадиган образлар
Романтик образлар	ижодкорларнинг орзу-хаёлларини ифода этган кишилар сиймосидир. Уларда иждокорларнинг орзу-умидлари, жамият тўғрисидаги, кишилар ҳақидаги ниятлари намоён бўлади
Хаёлий-фантастик образлар	романтик образларга ўхшаб кетади. Бу образларда иждокорларнинг ҳаётга идеал муносабати, дунёқараш ифодаланган бўлади. Хаёлий-фантастик образлар мўъжизавий, илоҳий хусусиятлар эгаси қилиб кўрсатилади. Халқ достонлари, эртакларидаги қаҳрамонларни хаёлий-фантастик образлар дейиш мумкин
Мажозий образлар	муайян нарса-ҳодисалар қиёфасини умумлаштириб ифодаловчи рамзий образлардир. Жумладан, сўфиёна адабиёт асарларида ёр дейилганда Худо назарда тутилади. Гул, лола муҳаббат, севги изҳори рамзи саналади
Аллегорик образлар	мажозий образларнинг бири саналади. Аллегорик образлар, одатда, масал ва эртакларда бўлади. Масал, эртакларнинг асосий қаҳрамонлари эса хайвонлар, жониворлардир. Уларда айрим одамларнинг феъл-атворидаги камчилик, иллатлар кўрсатилади
Характер	ўз хатти-ҳаракатлари, мақсад, интилишлари, ўй-кечинмалари, дунёқараш, феъл-атвори билан алоҳида ажралиб турадиган тўлақонли образдир. Шунинг учун ҳар қандай образ бадий характер бўла олмайди. Асардаги етакчи

	қахрамон ҳар жиҳатдан фаол бўлса, ўзининг барча жиҳатлари билан ёрқин кўриниб турсагина у бадиий характер бўла олади
Персонаж	бадиий асардаги барча қахрамонлар, жумладан, бадиий характер даражасига кўтарилмаган қахрамонлар ҳам персонаж ҳисобланади.
Шакл ва мазмун	воқеа-ҳодисаларнинг ташқи кўринишини акс эттириш орқали уларнинг ички моҳиятини гавдалантириш.
Мавзу	ижодкор танлаган ҳаётий воқеалар, у ёритган асосий муаммоларнинг умумлашмаси. Адабий асар учун асос қилиб олинган фикр ва мақсад унинг мавзусидир.
Ғоя	ижодкор мақсадини бошқариб, унинг қарашлари, ҳодисага ёндашишларини маълум бир изга солиб турадиган ана шу ҳодиса
Конфликт	лотинча <i>conflictus</i> деган сўз бўлиб, “тўқнашиш” деган маънони билдиради. Зиддият, тўқнашув ҳаёт тараққиётини таъминловчи асос бўлгани сингари бадиий конфликт ҳам асарнинг қизиқарли бўлишининг етакчи воситасидир
Композиция	лотинча <i>compositio</i> сўз бўлиб, “тузилиш, қурилиш, таркиб” демакдир. Бадиий асар композициясига қуйидагича таъриф-тавсиф бериш кенг тарқалган: “бадиий асар қисмлари, деталлари, бадиий тасвир воситаларининг маълум мақсад асосида муайян тартибда жойлаштирилиши”.
Сюжет	французча <i>sujet</i> сўз бўлиб, “нарсаси, мазмун, мавзу” деган маънони билдиради. Асар мазмунини ташкил этадиган, қахрамонлар ўртасидаги алоқа, муносабатлар тизими.
Фабула	лотинча <i>fabula</i> сўз бўлиб, масал, ҳикоя қилиш демакдир. Бадиий асар фабуласи деганда асар учун асос бўлган ҳаётий материал назарда тутилади. “Фабула — асар воқеаларининг мантиқий жиҳатдан узвий боғлиқликдаги яхлит силсиласи” ҳам дейилади. Ўз маъно ва моҳиятига кўра бу

	икки термин бир-бирига синонимик характерга эга бўлиб, ҳозирги адабиётшуносликда сюжет термини фаол қўлланилади. Фабула термини эса аста-секин истеъмолдан тушиб қолмоқда”.
Экспозиция	лотинча expositio сўз бўлиб, “тушунтириш” деган маънони англатади. Воқеалар кечган жой, даврнинг ижтимоий манзараси, қаҳрамонлар униб-ўсган муҳит шарт-шароити кабилар тасвири экспозиция деб юритилади. Экспозиция асарнинг исталган ўрнида бўлиши мумкин.
Тугун	бадий асарда қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиши. Тугун, кўпинча, қаҳрамонларнинг илк бор учрашуви ёки бирор жиддий муаммо юзасидан тортишиши туфайли пайдо бўлади. Воқеалар тугуни фақат қаҳрамонлар ўртасида эмас, қаҳрамоннинг айнан ўзининг ўй-кечинмалари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин
Воқеа ривож	сюжетдаги воқеаларнинг маълум тугундан сўнгги ривожланиш жараёни. Тугун тўсатдан юзага келгандай бўлиши мумкин. Бироқ воқеа ривож узок давом этадиган жараён.
Перепетия	сюжет воқеалари ривож давомида пайдо бўлган янги тугунлар ёки чигалликлар
Воқеалар кульминацияси	- асар сюжетидаги воқеаларнинг энг юқорига кўтарилиб, асосий қаҳрамонлар характери, қиёфасини кўрсатадиган эпизод. Ечим - сюжет воқеалари ва қаҳрамонлар тақдирининг ҳал бўлишини гавдалантирувчи эпизод
Муқаддима	муаллиф ўқувчига ўз мақсад-муддаосини маълум қилиб, асари ҳақида тушунтириш, изоҳлар бериши
Хотима	қаҳрамонларнинг асар сюжети воқеалари тамом бўлгандан кейинги тақдири ҳақида маълумот берувчи қисми
Портрет	французча portrait сўз бўлиб, “тасвир” деган маънони билдиради. Бадий асарда портрет қаҳрамон образини яратишга асос бўладиган омиллар орасида энг муҳимидир.

	<p>Чунки ёзувчи воқеаларда иштирок этаётган, ўйлаётган, қанақадир мақсадлари бўлган қаҳрамон қиёфа, кўринишини албатта гавдалантиради. Қаҳрамон портрети унинг суратини кўрсатиш учунгина эмас, балки рухий дунёсидаги ҳолат, ўзгаришларни англаш, тушуниш учун ҳам зарур восита бўлади.</p>
<p>Детал</p>	<p>деталлар асосида ҳосил бўлади. Детал қаҳрамон портретини эмас, унинг феъл-атворини кўрсатишда ҳам ижодкор эътиборни қаратган персонажлар кўриниши, қиёфаси хусусидаги мулоҳазалар уларнинг ташқи жиҳатлари ҳақидагина эмас, ички ҳолатлари тўғрисида ҳам муайян тасаввур олиш имконини беради. Бу эса алоҳида аҳамият касб этади. Детал қаҳрамон характер-саҳиясини ёрқинлаштиргани сингари, жой манзараларини аниқ гавдалантиришга ҳам асос бўлади.</p>
<p>Лирик чекиниш</p>	<p>ижодкорнинг сюжет воқеаларини тўхтатиб, улар туфайли ўзида пайдо бўлган ички кечинмаларни баён этиши</p>
<p>Пейзаж</p>	<p>французча paysage сўз бўлиб, “мамлакат”, “жой” деган маънони билдиради. Пейзаж бадиий асарда акс эттирилган табиат манзаралари, воқеа-ҳодисалар кечган жойлар кўриниши тасвиридир. У қаҳрамонлар ҳолат, кайфиятини гавдалантиришнинг муайян воситаси ҳисобланади</p>
<p>Сайёр сюжет</p>	<p>бир хил мавзу, бир хил қаҳрамонлар тақдири нақл қилинган асарлар. Сайёр сюжет барча миллий адабиётлар тарихида мавжуд ҳодиса</p>
<p>Бадиий асар тили</p>	<p>адабий тил меъёрларига таянадиган, умумхалқ тилига асосланган, ҳамма учун тушунарли ифодаларни камраб олган, ижодкорлар томонидан жилоланган тил. Бадиий асар тили илмий асарлар тилидан тасвирийлик, эмоционаллик, образлилик, афоризм каби хусусиятлари билан фарқ қилади.</p>
<p>Диалог</p>	<p>юнонча dialogos сўз бўлиб, “икки киши</p>

	ўртасидаги сўзлашув” деган маънони англатади
Монолог	ҳам юнонча (monos — бир ва logos — сўз, нутқ) сўз бўлиб, у бадиий асарда иштирок этувчи персонажларнинг ўз-ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқи саналади
Жаргон	французча jargon сўз бўлиб, “бузилган тил” деган маънони билдиради. Бинобарин, жаргон сунъий, ясама тилдир. У муайян гуруҳ кишилари доирасидагина қўлланади. Жаргон сўзлар ҳам барча кишиларнинг нутқида ишлатиладиган сўз, иборалардан таркиб топган бўлади.
Ўхшатиш	нарса-буюмнинг маълум бир белгисини бошқа нарса-буюмга солиштиришдир. Ўхшатиш фикрни яққол ифодалаш имкониятини беради.
Муболаға	нарса-ҳодисаларнинг хусусият, белгиларини кучайтириб, орттириб тасвирлашдир. Муболаға муайян нарса-ҳодисаларни бошқаларидан алоҳида ажратиш мақсадида қўлланади
Метафора	юнонча metaphora сўз бўлиб, “кўчириш” деган маънони англатади. У нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланган бўлади. Бироқ метафора айнан ўхшатиш эмас.
Метонимия	икки тушунча ўртасидаги яқинликка асосланган ўхшашсиз кўчим. Метонимия юнонча metonomadzo сўз бўлиб, “қайта номлаш”дир
Синекдоха	юнонча synekdoche сўз бўлиб, унда бир қисм ёки бўлак орқали яхлит, бутун нарса билдирилади ва аксинча. Яъни, бир бутун ҳодиса орқали унинг айрим бўлаги ҳақида мулоҳаза юритилади
Аллегория(мажоз)	юнонча allos — бошқа, ўзга ва agoreuo — гапираман, демакдир. У эртак ва масалларда, айниқса, кенг қўлланади. Масалан, тулки қиёфасида айёр кишилар назарда тутилади. Чумоли меҳнатқаш,

	заҳматкаш одамлар тимсоли саналади. Аллегория фикрни пардалаб, сал яшириб ифода қилишнинг энг ўнғай шакли ҳисобланади
Жонлантириш	кишиларга хос хусусиятларни жонсиз ва мавҳум нарса-ҳодисаларга кўчиришдир. Масалан, <i>хўмрайган булутлар</i> дейилади. Бунда кишиларга хос хўмрайиш жонсиз булутга кўчирилган бўлади. Асарларда тоғ-тош, шамол, дарахт, мевалар худди одамларга ўхшатиб гапиртирилади
Сифатлаш	нарса-ҳодисанинг бирор бир белги, хусусиятини аниқ-равшан алоҳида ажратиб кўрсатишдир. Сифатлаш икки хил бўлади. Биринчиси оддий сифатлаш бўлиб, унда нарса-ҳодисаларнинг ўткинчи белгилари таъкидланади. Иккинчиси, доимий сифатлаш бўлиб, бунда нарса-ҳодисаларнинг доимий хусусиятлари айтилади
Интонация	лотинча <i>intonare</i> сўз бўлиб, “қаттиқ талаффуз этиш” деган маънони билдиради. У сўзловчининг, асар муаллифининг ҳодисага муносабатини англатувчи ифода воситаси саналади. Бадиий асарда интонацияни турли тиниш белгилари, мисраларнинг жойлашиш тарзи билдириб туради.
Параллелизм	икки ёки ундан ортиқ нарса-ҳодисани ёнма-ён қўйиш орқали мазмунни ёрқинлаштириш услуби саналади. Унда нарса-ҳодисалар бир-бири билан муқоёса қилинади ёки зидлаштирилади. Ушбу йўл билан фикр аниқлаштирилади, унинг таъсирчанлиги кучайтирилади
Такрор	параллелизмга яқин тасвир усули ҳисобланади. Матнда у аниқ кўриниб туради. Чунки такрор айрим сўз, ибораларнинг маълум бир тартиб асосида қайта-қайта қўлланишидир. Такрор муайян мақсадга мувофиқ қўлланади. Такрорнинг анафора, эпифора, мисралар такрори сингари кўринишлари бор
Анафора	юнонча <i>anaphor</i> сўз бўлиб, “юқорига кўтарилиш” деган маънони билдиради.

	Бунда бир хил сўз ёки сўз бирикмаси шеър мисралари бошида айнан бир хил тарзда такрорланиб келади.
Инверсия	лотинча <i>inversi</i> сўз бўлиб, “ўрин алмаштириш” деган маънони билдиради. Бунда гап бўлаклари грамматика меъёрлари тартибидан фарқлироқ тарзда қўлланади. Инверсия таъкидланмоқчи бўлган фикрга мантикий урғу бериш, уни кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланади.
Антитеза	фикр таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланадиган ифода усуллариандир. У қарама-қарши фикрларни ифодалаш учун ишлатилади
Риторик мурожаат	тантанаворлик, кўтаринкилик ёки кесатиш, кучли ғазаб, нафратни ифодалаш учун қўлланадиган хитоб шаклидаги ифода усулидир
Силлабик шеър тизими	бўғинлар микдорига асосланади. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқ шеърляти, шунингдек, италян, поляк, француз, испан, румин халқлари шеърляти ҳам силлабик шеър тизимига мансубдир
Метрик шеър тизими	бўғинларнинг узун-қисқалигига, унлилар ҳолатига асосланади. Грек, лотин, араб шеърляти шундай хусусиятга эга
Силлабо-тоник шеър тизими	урғули, урғусиз бўғинларнинг маълум тартибда келишига асосланади. Рус шеърляти шундайдир
Тоник шеър тизими	мисраларда урғусиз бўғин қанча бўлишидан қатъи назар, ритм ҳосил бўлиши, урғуларнинг бир маромда келишига асосланади

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Абдуллаева Р. Шиллер ва ўзбек адабиёти. –Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2012.
4. Вафо Файзуллоҳ. Чакмоқ ёруғи.- Т.: “Muharrir”, 2012.
5. Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. - М.: “Прогресс”, 1991.
6. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. -Л.: “Наука”, 1989.
7. Жўракулов У. Худудсиз жилва. –Т.: “Фан”. 2006.
8. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур.-Т.: “Академнашр”, 2014.
9. Расулов А. Мустақиллик даври адабиётининг назарий-методологик асослари. -Т.: “Маънавият”, 2012.
- 10.Рикёр П. Конфликт интерпретаций: Очерки о герменевтике.- М.: “Радуга”, 1995.
- 11.Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси.(Ўқув кўлланма) –Т.: “Muharrir”, 2011.
- 12.Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1998
- 13.Норматов У. Устоз ибрати. –Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси”, 2007.
- 14.Фрейд З. Психология бессознательного. -М.:” Просвещение”, 1989..
- 15.Фромм Э. Душа человека. -М.: “Республика”, 1992.
- 16.Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. -М.: “Наука”, 1970.
- 17.Турдимов Ш. Этнос ва эпос. -Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
- 18.Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. -Т.: “Шарқ”, 2004.
- 19.“Ўзбек адабий танқиди”. Антология. -Т.: “Tugon-iqbol”, 2011.
- 20.Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: “Маънавият”, 2002.
- 21.Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т.: “Шарқ”, 2004.
- 22.Қуроноф Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. -Т.: “Академнашр”, 2010.
- 23.Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. -Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”, 1994.
- 24.Ҳаққул И. Ижод иқлими. -Т.: “Фан”. 2009.
- 25.Ҳожиаҳмедов. Шеърый санъатлари ва мумтоз қофия. -Т.: “Шарқ”, 1998.
- 26.Улуғов А. Қалб қандили.-Т.: “Академнашр”, 2013.
- 27.Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. -М.: “Искусство”, 1978.
- 28.Солижонов Й. Нутқ ва услуб.-Т.: “Чўлпон”, 2002.
- 29.Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. -Т.: “Фан”. 1973
- 30.Қодиров П. Тил ва эл. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи”, 2005.

Электрон манбалар

31. www.ziyo-net.uz
32. www.litera.ru
33. www.philologs.narod.ru.
34. www.kutubxona.uz
35. <http://www.rsl.ru/>
36. <http://www.msu.ru/>
37. <http://en.wikipedia.org/wiki/Structuralism>